

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

“Тасдиқлайман”
“БХ ва аудит” кафедраси мудири,
доц. _____ О.Тошпулатов
“ _____ ” _____ 2013 й.

**ФАРҒОНА ШАҲРИНИ ҚАЙТА ҚУРИШДА ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ
КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ ВА АУДИТИ
(“КЎПРИК ХЎЖАЛИГИНИ САҚЛАШ, ИШЛАТИШ,
ТАЪМИРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ” ДАВЛАТ КОХОНАСИ
МИСОЛИДА)**

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Бажарди:

56-09 БХ ва А гуруҳ талабаси
Каримов Улуғбек Абдухамидович

Илмий раҳбар:

ассистент Исомитдинова Г.Қ.

МУНДАРИЖА

	бет
Кириш.....	3
1 ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СУБЪЕКТИ СИФАТИДАГИ ТАВСИФИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Қурилиш ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъекти сифатидаги тавсифи ва улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	6
1.2. Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари ва ҳисоб сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари..	15
1.3. Капитал қурилиш ишларини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари.....	17
2 “КЎПРИК ХЎЖАЛИГИНИ САҚЛАШ, ИШЛАТИШ, ТАЪМИРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ” КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ БАҲОЛАШ	
2.1. Корхонада пудрат усулда бажарилган ишлар режасининг бажарилиш ҳолати таҳлили.....	27
2.2. Корхонада асосий фондлардан фойдаланишнинг таҳлили..	32
2.3. Йўл қурилиши ишларида материаллардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини таҳлили.....	34
3 ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА АУДИТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАҲЛИЛ ИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
3.1. Қурилиш материаллари аудитини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	40
3.2. Қурилиш ташкилотлари фаолияти рақобатдошлигини баҳолаш ва унинг таҳлилининг такомиллаштириш йўналишлари.....	49
Хулоса.....	56
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	61

КИРИШ

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги. Ижтимоий инфратузилма мураккаб вазифалар тизимидан иборат бўлиб, унда барча унсурлар ўзаро боғланганки, улардан бирининг ривожланишдан ортда қолиши бошқаларидан самарасиз фойдаланилишига сабаб бўлади. Шу боисдан, минтақа ижтимоий инфратузилмасининг мажмуа тарзида ривожланишини таъминлаш муҳим ишдир.

Ҳозирги вақтгача ижтимоий инфратузилманинг комплекс ривожлантириш даражаларини белгиловчи нормативлар тизими ишлаб чиқилмаган. Амалдаги идоравий меъёрлар ва нормативлар одатда, ижтимоий мақсадларга йўналтириладиган ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тизимига асосланади. Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштиришда ҳамда қуришда қўлланиладиган қурилиш меъёрлари ва қоидалари мажбурий тусда эмас, чунки уларда қишлоқ ва шаҳар манзиллари ижтимоий инфратузилмаси ўртасидаги алоқа ҳисобга олинмайди.

Инфратузилмавий соҳаларнинг барчаси мамлакат иқтисодиёти ривожланишида муҳим аҳамият касб этишини қайд этган ҳолда, бунда автомобиль-йўл мажмуасининг алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш жоиз. Автомобиль-йўл мажмуаси иқтисодиётнинг истиқболдаги ривожланишини, халқаро хўжалик юритиш тизимига интеграцияллашуви жараёнини таъминловчи ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик инфратузилмавий соҳа ҳисобланади. Бу мажмуа бошқарувини модернизациялашда корпоратив муносабатларнинг аҳамияти эътиборлидир. Мутахассислар таъкидлашича, транспорт халқ-хўжалигини мажмуавий тармоғи ҳисобланади. У транспортнинг барча турларини ҳамда йўл хўжалиги ўз ичига олади.

Дарҳақиқат, йўл хўжалигига транспорт тизимининг бир бўлаги сифатида қараш лозим. Бу борада автомобиль транспорти самарадорлигини ошириш мақсадида халқ хўжалигининг айрим тармоқлари ва тармоқ ичи соҳаларини ягона автомобиль-йўл мажмуасига бирлаштирган маъқул, деган

фикр эътиборга лойиқдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, йўл қурилиш корхоналари фаолиятини ўрганиш, улар фаолиятини таҳлил қилиш, аудит ўтказиш масалаларини ўрганиш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан шаҳарларни тарихий маданиятини шакллантириш, обидаларни тиклаш ва ободонлаштириш борасида қабул қилинаётган дастурлар асосида амалга оширилаётган қурилиш ишлари ва йўлларни реконструкция қилиш, кишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, халқаро талаблар асосидаги йўлларни барпо этишга, бир сўз билан айтганда, республика ҳудудларини, кишлоқ ва маҳаллаларни янги кўринишга келтирилган алоҳида эътибор беилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 15 ноябрда "Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1641-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор 2012-2015 йилларда Фарғона шаҳрининг ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш чора-тадбирларини ўз ичига олган бўлиб, шаҳарни йўл қурилишини тубдан ислоҳ қилиш ва уларни ободонлаштириш масалаларини ва молиявий таъминотини ўзида мужассамлаштиради. Шундай экан ушбу ҳолатда қурилиш ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиш, амалга оширилган фаолиятлари бўйича аудитни ташкил этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланиб, бу танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

Битирув малакавий ишнинг мақсади. Фарғона вилоятида Қурилиш корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш, аудитни амалга ошириш ва уларни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ишнинг мақсади бўлиб ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари. Ушбу мақсаддан келиб

чиққан ҳолда, қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

- Қурилиш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни ўрганиш;
- Қурилиш корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусуистялари ва ҳисоб сиёсати билан танишиш;
- Қурилиш ташкилотларида таҳлил ишларини амалга ошириш;
- Қурилиш ташкилотлари фаолиятида ишларнинг бажарилиши, материалар ресурслар билан таъминланиш ҳолати, уларнинг сарфланиши ҳолатини ўрганиш;
- Қурилиш ташкилотларида аудиторлик текширувларини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш;
- Фарғона вилоятида ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмасини реконструкция қилишда фаолият кўрсатаётган қурилиш ташкилотлари рақобатбардошлигини баҳолаш ва уларда таҳлил ишларини такомиллаштириш масалаларини ёритиш.

Ишнинг объекти ва предмети. Тадқиқот ишининг объекти “Кўприк хўжалигини сақлаш, ишлатиш, таъмирлаш ва фойдаланиш” коҳонаси фаолияти олинган.

Тадқиқот предмети эса “Кўприк хўжалигини сақлаш, ишлатиш, таъмирлаш ва фойдаланиш” коҳонасининг иш фаолияти ва молиявий хўжалик фаолиятида содир бўлган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари, Фармонлари, маъруза ва рисоаларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ваколатли давлат органларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси статистика Қўмитаси ва интернет маълумотларидан, шунингдек, дарслик ўқув қўлланма ва илмий мақолалардан, корхонанинг иш фаолиятига доир ҳужжатларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иш кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан

қисмларидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 63 та бетдан иборат.

1. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СУБЪЕКТИ СИФАТИДАГИ ТАВСИФИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Қурилиш ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъекти сифатидаги тавсифи ва улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар инфратузилмавий соҳадаги ҳам янгиланишларни юзага келишига олиб келди. Айниқса, миллий иқтисодиётни модернизациялаш, техник қайта қуроллантириш борасидаги ислоҳотлар натижасида вилоятлар марказида жойлашган шаҳарлар, туман ва қишлоқларни ҳам қиёфаси янгидан ўзгариб бормоқда, қурилиш ишларини янада ривожланишига алоҳида эътибор бермоқда.

Қурилиш ташкилотлари иқтисодиётнинг “Қурилиш” деб аталган тармоғи қуйи бўғинини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланган халқ хўжалиги тармоқлари классификаторига мувофиқ қурилиш ташкилотларининг алоҳида турларига қуйидаги тармоқ кодлари ажратилган:

- **60000** - Қурилиш;
- **61000** - Пудрат ва хўжалик усулида қурилиш, монтаж ва бошқа ишларни олиб боровчи умумқурилиш ва ихтисослашган ташкилотлар;
- **62000** - Ишлаб чиқариш мақсадидаги бино ва иншоатларни капитал таъмирлашни бажарувчи ташкилотлар;
- **63000** - Ноишлаб чиқариш мақсадидаги бино ва иншоатларни таъмирлаш, аҳоли буюртмасига кўра яшаш жойларини таъмирлаш ва қуриш ишларини бажарувчи ташкилотлар;
- **65000** - Бурғулаш ишларини бажарувчи ташкилотлар;

- **66000** - Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ва қидирув ташкилотлари;
- **69000** - Қурилиш хўжалик бошқармалари

Қурилиш ташкилотларини хўжалик юритувчи субъектлар сифатида турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин.

Мулкӣй шакли ва юридик мақомига кўра қурилиш ташкилотлари очик акциядорлик жамиятлари (ОАЖ), масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ), хусусий корхоналар (фирмалар) ва давлат унитар корхоналари бўлиши мумкин. Ушбу мақомдаги қурилиш ташкилотларини тузиш ва улар фаолиятини юритиш республикамизда бу турдаги хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, шунингдек ушбу ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Номланишига кўра ҳам қурилиш ташкилотлари турличадир. Чунончи, уларнинг энг кенг тарқалган номи бўлиб ҳаракатланувчи механизациялашган колонна (ХМК–ПМК) ҳисобланади. Қурилиш ташкилотларига бундай номни берилиши негизда уларнинг қурилиш, қурилиш монтаж ва бошқа ишларга доир ўз фаолиятини бевосита буюртма берилган жойларда махсус ҳаракатланувчи техник воситалар, машина ва механизлар ёрдамида амалга оширишлари ётади.

Бундан ташқари қурилиш тармоғида хусусий қурилиш фирмаси, шўъба қурилиш корхонаси, қурилиш компанияси, қурилиш трести каби номлардаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳам мавжуд.

Фаолият юритиш доирасига кўра қурилиш ташкилотлари тармоқ ва тармоқлараро қурилиш ташкилотларига бўлинади. Тармоқ қурилиш ташкилотлари халқ хўжалигининг алоҳида олинган тармоқларида ўз фаолиятини юритадилар.

Ихтисослашганлигига кўра қурилиш ташкилотлари махсус ва универсал ташкилотлар бўлиб ҳисобланади. Масалан, қурилиш ташкилотларининг метро қурилиши, уй қурилиши, йўл қурилиши, кўприк қурилиши ва бошқа шу каби махсус ихтисослашган турлари мавжуд. Айрим

қурилиш компаниялари (трестлари) кўп тармоқли, яъни универсал ташкилотлар бўлиб ҳисобланади.

Ходимларининг сонига кўра қурилиш ташкилотлари микрофирмалар, кичик корхоналар, ўрта ва йирик корхоналарга бўлинади. Республикамизнинг қонун ҳужжатларига кўра қурилиш тармоғида микрофирмалар бўлиб ходимларининг сони 20 тагача, кичик корхоналар бўлиб ходимларининг сони 50 тагача, ўрта корхоналар бўлиб ходимларининг сони 100 тагача ва йирик корхоналар бўлиб ходимларининг сони 100 дан ошиқ бўлган корхоналар ҳисобланади.

Таъсисчиларининг таркибига кўра қурилиш ташкилотларини маҳаллий ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бўлиш мумкин. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қурилиш ташкилотлари устав капиталининг миқдори энг камида 150000 АҚШ доллари миқдорида бўлиши лозим. Ушбу устав капитали миқдори маҳаллий ва хорижий таъсисчилар маблағларидан ташкил топади.

Қурилиш ишларини бажаришдаги ўрнига кўра қурилиш ташкилотлари бош пудратчи ва субпудратчи ташкилотларга бўлинади.

Бош пудратчи ташкилот – бу буюртмачи билан қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишларни олиб бориш бўйича асосий шартномани тузган ҳамда унинг бажарилишини тўлиқ ўз зиммасига олган қурилиш ташкилоти.

Субпудратчи ташкилот – бу бош пудратчининг буюртмачига бажариб бериши лозим бўлган қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишларнинг бир қисмини бош пудратчи билан тузилган шартномага асосан бажариб берувчи ташкилот.

Танлаган солиқ режимига кўра қурилиш ташкилотлари умумбелгиланган ва ихчамлаштирилган солиқ режимларида ишловчи корхоналарга бўлинади.

Республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ микрофирма ва кичик корхоналар ҳисобланган қурилиш ташкилотлари ихчамлаштирилган солиқ тўлови режимида ишлари мумкин. Йирик ва ўрта

қурилиш ташкилотлари, одатда, умумбелгиланган солиқларни тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Қурилиш ташкилотлари фаолияти республикамизнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ асосий ва асосий бўлмаган фаолият турларига бўлинади. Асосий фаолиятга буюртмачилар учун бажарилган қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари, жиҳозларни ўрнатиш, реконструкция, кенгайтириш, ободонлаштириш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари, шунингдек ўз мақсадларида фойдаланиш ва сотиш учун мўлжалланган қурилиш материаллари ва мосламаларини ишлаб чиқиш ва шу каби бошқа ишлар киради. Асосий бўлмаган фаолиятга қурилиш ташкилотларининг молиявий, инвестиция ва бошқа фаолият турлари киради.

Қурилиш ташкилотлари асосий фаолиятига қирувчи ишларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Қурилиш ишлари деганда янги бино ва иншоатларни яратилиши билан боғлиқ жараёнлар мажмуаси тушунилади. Янги бино ва иншоатларни яратилиши ўз ичига лойиҳалаштириш, қуришга тайёргарлик, таъминот, қуриш, фойдаланишга топшириш каби жараёнларни олади. Ҳар бир жараён қурилишга доир маълум ишлардан ташкил топади ва ўзининг пировард натижасига эга бўлади.

Қурилишнинг *лойиҳалаштириш* жараёнида янги бино ва иншоатларни қуришнинг техник, технологик, геодезик, топографик ва барча бошқа жиҳатлари ўрганилади, уларнинг аниқ параметрлари ва ўлчамлари белгиланади. Қурилиш лойиҳаси, одатда, махсус лойиҳалаштириш муассасалари (институтлар) томонидан буюртмачи билан тузилган шартномага асосан ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқилган лойиҳа қуриладиган объект жойлашган ҳудуднинг шаҳарсозлик бош лойиҳаси талабларига зид бўлмаслиги лозим. Шу боис ҳам янги объектларни қуришдан олдин уларнинг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитасининг жойлардаги бошқармалари ва бўлимлари томонидан кўриб чиқилади ва маъқулланади. Лойиҳалаштириш жараёнининг натижаси бўлиб янги қуриладиган объектнинг барча техник-иқтисодий параметрларини

ифодаловчи лойиҳаси ва қуриш сметаси ҳисобланади. Қуриш сметасида объектни қуриш билан боғлиқ барча ишларнинг ҳажми, уларнинг белгиланган меъёр ва тартибларга мувофиқ ҳисобланган қиймати кўрсатилади. Лойиҳа қиймати пудратчи ва буюртмачи ўртасида тузиладиган шартнома қийматини белгилашга асос бўлади.

Қуришга тайёргарлик ва унинг таъминот жараёни буюртмачи ва пудратчи томонидан амалга ошириладиган маълум ишлардан ташкил топади. Бу ишларни бажариш бўйича томонларнинг мажбуриятлари тузилган шартномада ўз аксини топади. Масалан, буюртмачи бу жараёнда ўз зиммасига қуриш учун керакли бўлган материалларни пудратчига етказиб бериш, олдиндан тўлов суммасининг келишилган қийматини (лойиҳа қийматининг 15 фоиздан кам бўлмаган қисмини) қурувчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш кабиларни олади. Пудратчи ташкилот қуриш учун керакли техника ва жиҳозларни қурилиш майдончасига етказиш, уларни қуриш ишлари учун тайёрлаш ва шу каби мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Объектни қуриш жараёни қурилишнинг титул рўйхатида кўрсатилган ишларни босқичма-босқич лойиҳани бажариш жадвалига (графикига) мувофиқ амалга оширишдан иборат бўлади. Қурилиш объектларининг битказилган, лекин буюртмачига ҳали топширилмаган қисми тугалланмаган ишлаб чиқариш (қурилиш ишлари) ҳисобланади.

Қурилган объектни фойдаланишга топшириш қурилишнинг якуний жараёнидир. Бу жараён қурилишга доир лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, тузилган махсус комиссия томонидан амалга оширилади ва мос равишда «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг қурилган объект пудратчи учун бажарилган (сотилган) иш, деб ҳисобланади.

Қурилиш ишлари ўз ичига монтаж ишларини ҳам олади. Шу боис биргаликда олиб борилган ушбу ишлар қурилиш-монтаж ишлари ҳам деб аталади.

Жиҳозларни ўрнатиш ишлари деганда жиҳозлар, ускуналар ва бошқа конструкцияларни йиғиш, ўрнатиш ва фойдаланишга тушириш билан боғлиқ ишлар мажмуаси тушунилади. Чунончи, бино ва иншоатларни қуришда бажариладиган жиҳозларни ўрнатиш ишлари таркибига кўтариш-тушириш қурилмалари (лифт, эскалатор ва бошқалар)ни, иситиш, совутиш, ёритиш, сув бериш, хавони алмаштириш, санитария-гигиена техникаси қурилмаларини ўрнатиш, йиғиш, ўтказиш, изоляция қилиш ва шу каби бошқа ишлар киритилади.

Кенгайтириш деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларнинг ҳаракатдаги бино ва иншоатларига қўшимча ишлаб чиқариш объектларини қуриш, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехларнинг майдончаларини ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида кенгайтириш билан боғлиқ ишлар тушунилади. Кенгайтириш ишларига шунингдек буюртмачилар узоқ муддатли активлари таркибига киритиладиган ва алоҳида балансга ажратилмайдиган филиаллари ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини қуриш ҳам киритилади. Кенгайтириш ишлари худди янги қурилиш сингари лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буюртмачига «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёто-фактура» асосида топширилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг кенгайтиришга доир ишлар пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) деб ҳисобланади.

Реконструкция деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларнинг ҳаракатдаги асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи объектларини дастлабки ҳолатини кенгайтирмасдан қайта ўзгартириб чиқиш тушунилади. Реконструкциядан асосий мақсад бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий даражасини илмий-техника тараққиёти ютуқлари асосида кўтариш;

- ҳаракатдаги ишлаб чиқариш объектлари қувватини ошириш;
- ишчи ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш;
- техник бўғинлардаги диспропорцияларни йўқотиш.

Реконструкция ишлари лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буюртмачига «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» асосида топширилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг реконструкция ишлари пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) иш деб ҳисобланади. Ободонлаштириш деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларга уларда фойдаланишда бўлган ер майдончаларининг кўринишини яхшилаш, ер ости ўтказмаларини қуриш, транспорт воситаларини тўхтаб туриш жойларини ташкил қилиш, ер майдончаларини темир панжаралар билан ўраш, юриш йўлкаларини қуриш каби ишлар тушунилади.

Ободонлаштириш ишлари бошқа ишлар сингари лойиҳадаги барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буюртмачига «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида маълумотнома – счёт-фактура» асосида топширилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг ободонлаштириш ишлари пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) деб ҳисобланади.

Таъмирлаш ишлари деганда пудрат шартномасига кўра буюртмачиларга асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган объектларни техник-ишлаб чиқариш ҳолатини ишчи ҳолатда ушлаб туриш, уларнинг техник-иқтисодий даражасини сақлаш мақсадларида бажарилган ишлар тушунилади. Бу ишлар, одатда, буюртмачилар бино ва иншоатларининг миқдорий ҳажмини кенгайтирмайди. Бироқ, таъмирлаш ишлари буюртмачиларда меҳнат шароитларини, атроф муҳит муҳофазани яхшилашга имкон беради. Таъмирлаш ишлари бошқа ишлар сингари шартнома назарда тутилган барча ишлар тугатилгач, пудратчи томонидан буюртмачига «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисида

маълумотнома – счёт-фактура» асосида топширилади. Ушбу ҳужжат имзоланган ва тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари пудратчи ташкилот учун бажарилган (сотилган) деб ҳисобланади.

Шундай қилиб, қурилиш ташкилотлари томонидан халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун бажариладиган қурилиш ишлари таркиби жуда ҳам турли-тумандир. Уларнинг асосийларига¹ қуйидагилар киради:

- қурилиш титул рўйхатиغا киритилган бино ва иншоотларни қуришга доир барча ишлар, улар билан боғлиқ бўлган темир-бетон металллар, ёғоч ва бошқа қурилиш конструкцияларини ўрнатиш ва монтаж ишлари, минорали ва бошқа кранлар учун кран ости йўллари қуриш ва бузиш ишлари;

- газ, сув, электр энергияси, иссиқлик, канализация, ҳавони тозалаш таъминотига доир ишлар;

- нефть ва газ қувурларини ётқизиш, электр қуввати ва алоқа линиялари кабелларини ётқизиш ва ўтказиш ишлари;

- кўприк, йўл, сув ости-техник тоннелни қуриш ва ўтказиш ишлари;

- санитария-гигиена техникаси ва жиҳозларини ўрнатиш ишлари;

- бино, иншоат ва ускуналарга асос (фундамент) ва таянч конструкцияларини ўрнатиш, қозон печ ва бошқа агрегатлар атрофига қопламалар ясаш ишлари;

- қуриш учун ер майдонларини тайёрлаш, тозалаш, эски бута ва дарахтларни кесиш ва олиб ташлаш, ковлаш, ерни қуриштириш ва лойиҳада белгиланган кўринишга етказиш ишлари;

- шаҳар ва қишлоқ жойлари худудларини кўкаламзорлаштириш ҳамда ободонлаштиришга доир қурилиш ишлари;

- сув чиқариш, уларни оқиш қувурларини ўрнатиш ишлари;

¹ Изоҳ: қурилиш ишларининг тўлиқ рўйхати қурилиш нормалари ва тартибига оид ҳужжатлар, шунингдек қурилишга оид махсус адабиётларда келтирилган.

- эрозия, сел кўчмаларига қарши ва бошқа табиатни муҳофаза қилиш иншоотларини қуриш, қирғоқларни мустаҳкамлаш ва ботқоқларни қуриштириш ишлари;

- қурилишига алоқадор пармалаш, шурфлаш, сувни тортиб олиш ва шу каби бошқа геологик ва гидрогеологик ишлар.

Қурилиш ташкилотларининг асосий фаолиятига кирувчи ушбу ишлар уларнинг хусусиятларига кўра лицензиялаштириладиган ва лицензиялаштирилмайдиган турларга бўлинади. Масалан, мудофаа объектларини, кўприк ва тоннелларни, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини, баландликларда жойлашган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва таъмирлаш ишлари лицензиялаштириладиган фаолият ҳисобланади.

Бундай қурилиш ишлари билан шуғулланиш учун лицензия фақат махсус ихтисослашган қурилиш ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилади. Махсус лойиҳалаштиришни талаб қилмайдиган ва лицензия олиш лозим бўлмаган қурилиш, қурилиш-монтаж, ободонлаштириш, кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари билан барча турдаги қурилиш ташкилотлари шуғулланишлари мумкин.

Қурилиш ташкилотлари ва буюртмачилар ўртасида қурилиш ишларига доир пудрат шартномаларини тузишда ҳозирги пайтда тендер (танлов) усули кенг тарқалган. Чунончи, давлат бюджетидан марказлаштирилган тарзда молиялаштириладиган қурилиш объектлари (мактаблар, лицейлар, коллежлар, ҳарбий қисмлар, шифохоналар ва бошқалар) бўйича пудрат шартномаларини тузиш махсус «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари орқали танлов савдолари асосида амалга оширилмоқда. Ушбу танлов савдоларида барча мулкӣ ва ташкилий-ҳуқуқӣ турдаги қурилиш ташкилотлари қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунинг учун улар инжиниринг компанияларига танлов савдосида қатнашиш бўйича оферталар (таклифлар)ни киритишлари ҳамда тегишли танлов

хужжатларини тақдим этишлари лозим. Танлов савдосида қатнашиш учун қурилиш ташкилотлари «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари томонидан қўйилаётган қуйидаги талабларга мос келишлари лозим:

- ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга эга бўлишлари;
- танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаш тажрибаси ва кўникмаларига эга бўлишлари;
- шартнома тузиш юзасидан фуқоралик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўзаро ишончга эга бўлишлари;
- танловга қўйилган объект қурилишини олиб бориш учун марказлаштириладиган маблағлардан ташқари ўз маблағларига эга бўлишлари;
- бюджет олдида боқиманда қарзларга эга бўлмаслиги;
- жорий мажмуриятлар бўйича тўлов қобилиятига эга бўлишлиги ва бошқалар.

“Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари орқали танлов савдолари асосида амалга ошириладиган қурилиш ишларига доир пудрат шартномалари қурилиш ишлари режаларига киритилган ҳамда улар учун белгиланган тартибда тасдиқланган титул рўйхатларига мувофиқ ҳолда тузилади.

Бош пудратчи қурилиш ишларининг ҳажми ва хусусиятларига кўра инжиниринг компаниялари розилиги билан алоҳида ишларни амалга оширишлари учун ўзларининг субпудратчиларини белгилашлари ҳам мумкин. Ушбу ҳолда бош пудратчи ва субпудратчилар ўртасидаги муносабатлар тузилган субпудрат шартномалари асосида белгиланади.

Қуриладиган объектнинг лойиҳа-смета хужжатлари (титул рўйхати, ускуна, материал ва буюмларни етказиб бериш жадвали, молиялаштириш графиги ва бошқалар) тузилган пудрат шартномасининг таркибий элементлари бўлиб ҳисобланади.

1.2. Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари ва ҳисоб сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари

Қурилиш ташкилотлари ўз фаолиятини хўжалик ҳисоб-китоби асосида юритувчи, яъни ўзини-ўзи маблағ билан таъминловчи, олган даромадлари эвазига барча харажатларини қопловчи ва пировард натижада фойда олувчи корхоналар сифатида бухгалтерия ҳисобининг муҳим субъектлари бўлиб ҳисобланади. Қурилиш ташкилотлари хўжалик фаолиятининг турлари, уларни ташкил қилувчи жараён ва муомалалар, эришилган молиявий натижалар, шунингдек хўжалик фаолиятини олиб борилишини таъминловчи активлар, бу активларни ташкил топиш манбалари бухгалтерия ҳисоби объектларини ташкил этади. Бу объектларни кузатиш, улар тўғрисидаги ахборотларни назорат ва таҳлил қилиш ҳамда тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш ва фойдаланувчиларга етказиб бериш бухгалтерия ҳисобининг асосий функциялари бўлиб ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари бевосита улар томонидан бажариладиган қурилиш, қурилиш-монтаж, жиҳозларни ўрнатиш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади.

Ушбу ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ олиб борилганлиги ва бунда белгиланган меъёр ва тартибларга амал қилинганлигини назорат қилиш, қурилиш ишларига кетган сарф-харажатларни тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштириш, улар асосида қурилиш жараёнлари синтетик ва аналитик ҳисобини юритиш, тугалланмаган қурилиш ишлари қийматини тўғри аниқлаш, тугалланган ишлар қийматини аниқ баҳолаш ва калькуляция қилиш, уларни ҳисобот даври даромадларига ҳисоблаш тамойилига асосан киритиш, ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошишини таъминлаш бухгалтерия ҳисоби олдида турган энг муҳим вазифалардир.

Қурилиш ишларининг хусусиятлари қурилиш ташкилотларида уларнинг мулки ҳамда бу мулкни ташкил қилиш манбалари ҳисоби олдига ҳам муҳим вазифаларни қўяди. Чунончи, асосий воситалар ҳисоби ва ҳисобот тизими ушбу активлар таркибидаги қиммат турадиган махсус техника турли механик ва электр жиҳозлар, юк ташиш машиналари, махсус бино ва иншоотларнинг ҳолати ва ҳаракати, уларнинг иш фаолияти, амортизацияланиши ва бошқа жиҳатлари тўғрисида батафсил маълумотларни бериши лозим.

Қурилиш ишларининг белгиланган муддатларда бажарилиши тегишли қурилиш материалларининг қурилиш майдончаларига ўз вақтида келиб тушишига, улар бўйича тасдиқланган лимитнинг мавжудлиги, бутлиги ва сифатига бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари келиб тушаётган материаллар қийматини (таннархини) тўғри баҳолаш, улар ҳисобини баҳолашнинг у ёки бу усулда юритилиши қурилиш ишларининг таннархига, уларни бажаришдан олинadиган даромадлар ва тўланадиган солиқларга, қурилиш ташкилотининг соф фойдасига бевосита таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси қурилиш ташкилотларида материаллар ҳисоби олдига улар қийматини тўғри баҳолаш, материаллар ҳолати ва ҳаракати устидан усликсиз назоратни олиб бориш, улар кирими ва чиқимига доир ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш, ушбу бойликлар омбор ва бухгалтерия ҳисоби регистрларини белгиланган тартибда юритишдек муҳим вазифани қўяди.

Қурилиш ишлари ҳажми ва қийматига кўра катта миқдорда маблағ талаб қиладиган фаолият ҳисобланади. Шу боис ҳам қурилиш ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши уларни молиялаштирилиш манбаларининг мавжудлигига бевосита боғлиқдир.

Қурилиш ишлари, одатда, буюртмачидан олинган олдиндан тўлов ва кейинги тўловлар, шунингдек пудратчи ташкилотнинг ўз маблағлари ёки улар томонидан олинган банк кредитлари эвазига амалга оширилади. Қурилиш ишларини молиялаштирилишининг ушбу хусусиятлари пудратчи ташкилотларда пул маблағларини махсус счётларда аккумуляция қилишни

(тўплашни), улардан оқилона фойдаланишни, олдиндан тўлов ва кейинги тўлов суммаларини буюртмачилардан ўз вақтида келиб тушишини, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағларни олиш ва қайтариш муомалаларини усликсиз назорат қилишни, уларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштиришни, пул маблағлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳисобини белгиланган тартибларга риоя қилган ҳолда олиб боришни тақозо қилади.

Қурилиш ишлари бошқа ишлардан фарқли ўлароқ коллектив меҳнатга таянади, яъни уларни олиб боришда меҳнатни ташкил қилишнинг бригада шакли кенг қўлланилади. Мос равишда бажарилган иш ва хизматларга ҳақ тўлашда ҳам меҳнатнинг бригада шакли асос қилиб олинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш ташкилотлари, уларнинг таъсисчилари, инвесторлари ва бошқа иштирокчиларининг пировард мақсади бўлиб фойда олиш ҳисобланади. Қурилиш ташкилотлари ҳисоб тизими фойда кўрсаткичларини миллий пул бирлигида реал аниқлаш имконини бериши ва акс эттириши лозим.

Қурилиш ташкилотлари бошқа хўжалик юритиш субъектлари сингари республикамиз қонун ҳужжатлари асосида ўзларининг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишлари ҳамда унга амал қилишлари лозим. Ушбу ҳисоб сиёсатида қурилиш ташкилоти раҳбарияти томонидан танлаб олинган бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шакли, хўжалик фаолияти кўрсаткичлари, активлар, мажмуриятлар ва хусусий капитал элементларини тан олиш мезонлари, улар ҳисобини юритишга асос бўлувчи ҳужжатлар тизими, ишчи счётлар режаси, бошланғич ҳужжатлар айланиши, архив иши, товар-моддий бойликларни инвентаризациясини ўтказиш жадвали, ҳисобни юритишга доир бошқа тартиб-қоидалар ва тамойиллар аниқ ифодаланган бўлиши лозим.

Қурилиш ташкилотларининг ҳисоб сиёсати ички ва ташқи фойдаланувчиларга улар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тегишли шакл ва мазмунда йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ва жамлаш ҳамда уларни ўз вақтида етказиб бериш талабларига жавоб бериши керак.

Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби республикамизнинг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» қонуни 7-моддасида кўрсатилган тўртта шакллардан бирида ташкил этилиши мумкин². Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкилий шаклини белгилашда бу ташкилотларнинг катта-кичиклиги, уларнинг мақоми муҳим роль ўйнайди. Йирик қурилиш ташкилотларида бажариладиган ҳисоб-китоб ишлари ҳажми катта бўлганлиги учун бухгалтерия таркиби алоҳида бўлимлардан, масалан, моддий бойликлар ҳисоби бўлими, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисоб-китоби бўлими, қурилиш ишлари ҳисоби бўлими, молиявий ҳисоб-китоблар бўлими ва бошқалардан ташкил топади. Бухгалтерия бўлимлари иш фаолиятига бош бухгалтер раҳбарлик қилади. Микрофирмалар ва кичик корхоналар мақомидаги қурилиш ташкилот-ларида, одатда, махсус ҳисоб бўлинмаси ташкил қилинмайди. Уларда шартнома асосида ишга қабул қилинган бухгалтерга барча ҳисоб-китоб ишларини юритиш юклатилади.

Қурилиш ташкилотлари хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ихтисослашган бухгалтерлик фирмаси ёки аудиторлик ташкилоти томонидан тузилган шартномага мувофиқ олиб борилганда, улар бухгалтерия ҳисобини республикамиз қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда олиб борилганлиги учун қурилиш ташкилотлари олдида шартнома шартларига асосан жавобгар ва масъул ҳисобланадилар.

Қурилиш ташкилотида бухгалтерия ҳисоби унинг раҳбарининг ўзи томонидан юритилганда у бухгалтерия ҳисобини республикамиз қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда олиб борилганлиги учун бевосита жавобгар ва масъул ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотларининг ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг танлаб олинган шакли, шунингдек ушбу шаклда ҳисоб ишларининг бажарилишини тартибга солиб турувчи ички меъёрий ҳужжатлар тизими белгиланади. Бундай ички меъёрий ҳужжатлар бўлиб,

² Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. –Т.: 1996 йил 29 август

одатда, бухгалтерия тўғрисида Низом, бош бухгалтер ва бухгалтерларнинг касбий маҳоратига қўйиладиган талаблар, бухгалтерлар ўртасида функционал мажбуриятларнинг тақсимоти, меҳнат шартномалари, ихтисослашган бухгалтерлик фирмалари ёки аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномалар ҳисобланади. Ушбу ички меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларга амал қилиш бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиниши ва юритилишида муҳим аҳамият касб этади.

Қурилиш ташкилотларида даромадлар, харажатлар ва якуний молиявий натижалари (фойда ва зарарлари) кўрсаткичларини тан олиш ва ҳисобини юритишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Чунончи, даромадларни қурилиш ишлари ёппасига тугагандан сўнг, босқичма-босқич, қурилиш навбатлари бўйича тан олиш ва ҳисобга олиш мумкин. Ушбу усулларнинг моҳиятига ва қўлланилишига кейинги мавзуларда алоҳида тўхталамиз. Қурилиш ташкилотлари томонидан бу усуллардан қайси бири танлаб олинганлиги ёки уларнинг ҳар бирини қайси турдаги ишлар учун қўлланилиши ҳисоб сиёсатида аниқ ифодаланган бўлиши лозим.

Бажарилган қурилиш ишларининг таннархи, шунингдек олинган фойда суммаси уларга сарфланган материаллар қийматини баҳолаш усулларига бевосита боғлиқ. Бундай усуллар бўлиб, республикамизнинг 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»га мувофиқ ФИФО, АВЭКО, идентификациялаш усуллари ҳисобланади. Белгиланган тартибга кўра қурилиш ташкилоти ушбу усулларнинг барчасидан фойдаланишлари мумкин. Бироқ, бир хил номдаги ТМЗлар бўйича бир вақтнинг ўзида баҳолашнинг турли усулларини қўллаш мумкин эмас. Шу боис ҳам, қурилиш ташкилотлари ўзларининг ҳисоб сиёсатида ТМЗлар қийматини баҳолашнинг танланган усулларини уларнинг турлари бўйича кўрсатишлари ҳамда унга амал қилишлари лозим.

Қурилиш ишларининг бир неча йилларга чўзилиб кетиши ҳисобот йилининг охирида тугалланмаган қурилишни инвентаризация қилиш ва қийматини баҳолашни, шунингдек унга сарфланган харажатларни тўғри

таксимлашни тақозо этади. Бу хусусият қурилиш ташкилотлари ҳисоб сиёсатида тугалланмаган қурилиш ҳажмини инвентаризация қилиб чиқиш, унинг қийматини баҳолаш тартибини аниқ белгилашни талаб қилади.

Қурилиш ишлари бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилиши буюртмачи ташкилотларнинг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигига бевосита боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида буюртмачи корхоналар тўлов қобилиятини йўқотиш рискиннинг мавжудлиги қурилиш ташкилотларида даргумон дебиторлик қарзларни бевосита ёки ташкил қилинадиган махсус резерв эвазига ҳисобдан чиқариш усулларида бирини ҳисоб сиёсатида белгилаб қўйишни талаб этади.

Бажариладиган ишлар (хизматлар) қурилиш ташкилотлари бўлинмаларида (қурилиш майдончалари, цехлар, омборлар ва бошқа жавобгарлик марказларида) турли бошланғич ҳужжатларни тузишни, улар айланишини ташкил қилишни, шунингдек бошланғич ҳужжатлар асосида тегишли ҳисоб регистрларини юритишни тақозо этади. Қурилиш ташкилотларида ишлатиладиган бошланғич ҳужжатлар, уларни тузиш, тақдим этиш ва ишловдан ўтқизиш тартиби тўғрисида кейинги мавзуларда алоҳида тўхталамиз.

Қурилиш ташкилотлари ҳисоб сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиб молиявий-ҳўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобини юритиш учун тасдиқланган ишчи счётлар режаси ҳисобланади.

1.3. Капитал қурилиш ишларини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари.

Республика иқтисодиётининг ривожланишига ва ишлаб чиқариш самарадорлигини тез суръатлар билан ҳар томонлама механизациялаштириш, автоматлаштириш, илмий-техника жараёнини тезлаштириш асосида ривожлантириш, асосий ишлаб чиқариш фондларини доимий суъратда янгилаш ва кенгайтиришни яъни капитал қуйилмаларни оширишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳукуратимиз республика иқтисодиётини янада

юксалтириш учун капитал кўйилмаларни кўпайтиришга ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқда.

Капитал қурилиши ишларида йўл қурилиши асосий ўринни эгаллайди. Фарғона водийсида Андижон, Наманган ва Қўқон шаҳарларини реконструкция ишларидан ҳам кўриш мумкинки, шаҳарлар миллий анъаналарга кўра қайта тикланмоқда. Бу борадаги ишларни давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 15 ноябрда "Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1641-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор 2012-2015 йилларда Фарғона шаҳрининг ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш чора-тадбирларини ўз ичига олган бўлиб, шаҳарни ободонлаштириш масалаларини ва молиявий таъминотини ўзида мужассамлаштиради.

Республика ҳудудидаги ички хўжалик автомобиль йўлларининг жами узунлиги 67273,8 кмни ташкил этган ҳолда, цемент-бетон йўллар 31,6 км, асфальт-бетон йўллар 11999,6 км, қора-қопламали йўллар 9854,2 км, шағал йўллар 19107 км ҳамда тупроқли автомобиль йўллари 26281 кмни ташкил этади. Ҳудудлар ичида Фарғона вилоятининг жами автомобиль йўллари узунлиги 4531 кмни ташкил этиб жамига нисбатан 6,7 фоизни ташкил этади. Фарғона вилоятида цемент-бетон қопламали йўллар мавжуд эмас. Асфальт-бетон йўллар 793 км, қора-қопламали йўллар 219 км, шағал йўллар 672 км ҳамда тупроқли автомобиль йўллари 2847 кмдан иборат. Бундан кўринадики, Фарғона вилоятининг автомобиль транспортига мослаштирилган йўлларининг сифат даражаси Республика миқёсида олиб қараганда анча паст даражага эга.

Айниқса тупроқ ва шағалли йўлларнинг узунлиги бу соҳада реконструкция ишларини жонлантириш зарур эканлигини кўрсатади. Чунки, Фарғона вилояти Республиканинг саноатлашган вилоятларидан бири

ҳисобланиб, давлат аҳамиятига молик бир қатор объектларнинг мавжудлиги билан қолган вилоятлардан фарқланади. Лекин шунга қарамай вилоятда 2011 йилда бир қатор йўллар таъмирланди ва сифати яхшиланди. Ушбу кўрсаткични республика миқёсидаги ҳудудлар бўйича таҳлил қилганда куйидаги жадвалдаги каби кўринишга эга бўлади (1.1-жадвал). Тасдиқланган дастурларга бириктирилган автомобиль йўлларининг узунлиги жами 34655 кмни ташкил қилган. Ундан амалда бажарилгани эса 27541 кмдан иборат бўлиб, режа кўрсаткич 79,5 фоизга бажарилган. Режани бажарилмаслигига энг катта таъсир кўрсатган ҳудудларга Бухоро вилояти-37,5%, Сурхондарё вилояти-50%, Хоразм вилояти-67,2%, Фарғона вилояти-67,3%, Қашқадарё вилояти-72,3%, Жиззах вилояти-76,4%ни ташкил қилган ҳолда ўртачадан паст натижа кўрсатган. Қолган вилоятларда эса бу кўрсаткич ўртачадан баланд аммо режа бажарилмаган. Биргина, Самарқанд вилоятида режа 124,8%га ортиғи билан бажарилган. Фарғона вилоятида 2011 йилда таъмирланиши зарур бўлган автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 2328 км бўлиб, 1567 км гина таъмирдан чиқарилган.

1.1-жадвал

Ички хўжалик автомобиль йўлларида бажарилган таъмирлаш ишлари тўғрисида маълумот (2011 йил)

№	Вилоятлар номи	Тасдиқланган жами манзил руйхати	Жами амалда бажарилган	Фоиз ҳисобида
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1331	1204	90,4
2	Андижон	4241	3607	85,0
3	Бухоро	2860	1071	37,5
4	Жиззах	1821	1392	76,4
5	Қашқадарё	5025	3632	72,3
6	Навоий	2673	2428	90,8
7	Наманган	2528	2273	89,9
8	Самарқанд	2503	3124	124,8

9	Сурхондарё	1427	714	50,0
10	Сирдарё	1207	987	81,7
11	Тошкент	6081	5119	84,2
12	Фарғона	2328	1567	67,3
13	Хоразм	630	423	67,2
Жами		34655	27541	79,5

Транспорт инфратузилмаси каби коммунал инфратузилма ҳам аҳоли фаровонлиги ва иқтисодиётнинг ривожига улкан ҳиссани ташкил этади. Ҳар қандай ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш корхоналари, аҳоли яшаш пунктлари бугун, сув, газ ва электр таъминотисиз ҳеч қандай самарали фаолиятни амалга ошира олмайди. Бу соҳада бугунги кунда Республика миқёсида амалга ошириб келинаётган тадбирлар қуйидаги таҳлилларда ўз аксини топган.

Капитал қуйилмаларни таҳлили вазифасига қурилиш объектлари бўйича режанинг бажарилиши, ишга туширилиш, асосий воситаларни харид қилиш, тайёрлаш, уларнинг капитал ремонтни, маблағ билан таъминланиши ва капитал қуйилма маблағларидан фойдаланиш режаларининг бажарилиши кўрсаткичларини кўриб чиқиш ва баҳолашдан иборатдир.

Республика иқтисодиётини ривожлантиришда уларнинг олдида қўйилган вазифа фақат асосий фондларни кенгайтириш эмас, балки уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ошириш вазифаси капитал қуйилмаларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини, яъни харажатларни қоплай олиш даражасини ўрганишдан иборатдир.

Марказлаштирилган капитал қуйилмалар амортизация ажратмалари, асосий фаолиятдан олинган соф фойда, асосий воситаларни сотишдан тушган маблағ, ўз маблағлари етишмай қолган айрим йилларда эса давлат банкининг узоқ муддатли кредитларидан ҳамда давлат бюджетидан олинган маблағ эвазига амалга оширилади. Булар турар жой бинолари, маданий-майиший объектлар, мелиорация ва ирригация иншоотлари, электр узатгичлар ва бошқаларнинг қурилишини Давлат бюджети маблағ билан

таъминлайди. Марказлаштирилмаган капитал қўйилмалар хўжаликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, социал – маданий тадбирлар ва турар жой бинолари қуриш фонди, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ажратилган кредитлар ва бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Капитал қурилиш ишлари икки хил усулда олиб борилади. Пудрат усули ва хўжалик усули. Пудрат усулида қурилиш ишларини амалга оширишда ихтисослашаган қурилиш – монтаж бошқармалари, қурилиш – монтаж концернлари ва уйсозлик комбинатлари иштирок этади. Ихтисослашган пудрат ташкилотлари ҳамма ишларни сифатли ва вақтида топширишни ўз зиммасига олади. Қурилиш ишларини хўжалик усулида амалга оширадиган бўлса, у ҳолда ҳамма ишларни ўз кучи билан бажаради. Хўжалик усулида қурилиш ишларини олиб боришда катта бўлмаган объектлар кўзда тутилади.

Якка тартибдаги қурилиш ишлари ва пудрат усулдаги қурилиш – монтаж ишларини таҳлил қилишда таҳлилнинг асосий вазифалари қуйдагилардан иборат:

- асосий фондларнинг қуввати бўйича ишга туширилиши, таркибий тузилиши ва муддати бўлишига режанинг бажарилишига баҳо бериш;
- капитал қўйилмаларнинг ҳажми, таркиби ва молиявий қўйилмаларнинг манбалари ва ажратилган маблағларнинг сарфланишининг таҳлили;
- қурилиш – монтаж иш ҳажмини ўзгаришига таъсир этувчи ижобий ҳамда салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
- харажатлар устидан назорат ўрнатиш ва ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган харажат ва нобудгарчиликларни аниқлаш;
- тугулланмаган ишлаб чиқариш ҳажми ва таркибига баҳо бериш;
- қурувчи ташкилотларининг молиявий ҳолатини ўрганиш, смета ҳужжатлари билан таъминланиши, маблағлар ва асбоб - ускуналар билан қай даражада таъминланганлигини аниқлаш;
- эришилган ютуқларга баҳо бериш ва ички имконияларни аниқлаш;

Капитал қуйилмалар режасининг бажарилишини таҳлил қилишда йиллик молиявий ҳисобот кўрсаткичларидан фойдаланилади. Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари корхонанинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланиб, уларни корхонанинг иқтисодий молиявий ахборотларнинг 90 фоиздан ортиқ маълумотларни олиш имконини эга бўламиз. Қурилиш ташкилотларида молиявий ҳисобот маълумотлари орқали корхона раҳбариятига баҳо бериш, корхонанинг иқтисодий соҳада эришган ютуқлари ва камчиликларини таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин бўлади.

Таҳлил қилинаётган “Кўприк хўжалигини сақлаш, ишлатиш, таъмирлаш ва фойдаланиш” қурилиш ташкилотида асосий фондларнинг қуввати бўйича ишга туширилиши қуйидагича бўлган.

1.2-жадвал.

Асосий фондларнинг ишга туширилиши ва қуввати бўйича режанинг бажарилишини таҳлили (2012 йил)

Кўрсаткичлар	Смета бўйича, минг сўм		Фарқи	Режанинг бажарилиши
	Режа	Хақиқатда		
Жами асосий фондлар	875290	960740	85450	109.7
Шу жумладан:				
Ишлаб чиқаришга тааллуқли асосий фондлар	570938	576444	5506	100.9
Ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган асосий фондлар	304352	384296	43944	126
улардан йўл қурилиши	24348	32665	8317	134.1

Юқоридаги жадвалдаги маълумотлардан қурилишга асосий фондларни ишга туширилиши бўйича режа 9.7% ортиғи билан бажарилган. Ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган асосий фондлар режаси 0.9% кўп бажарилган. Ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган асосий фондлар бўйича режа 26.2% га ортиғи билан бажарилган ва шуни ҳисобига йўл объектлари 34.1 % га ошириб бажарилган. Таҳлил жараёнида ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган асосий фондларнинг нима сабабларга кўра бажарилмаганлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган объектларнинг ортиқча бажарилишини алоҳида – алоҳида қурилиш объектлари бўйича кўриб

чиқилиши лозим (маданият, соғлиқни сақлаш, саноат ижтимоий таъминот ва бошқалар).

Асосий фондларнинг қуввати бўйича ишга туширилиши таҳлилидан сўнг капитал қўйилмалар режасининг бажарилиши турлари ва харажатлари таркиби бўйича таҳлил қилиниши лозим.

2. “КЎПРИК ХЎЖАЛИГИНИ САҚЛАШ, ИШЛАТИШ, ТАЪМИРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ” КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ БАҲОЛАШ

2.1. Корхонада пудрат усулда бажарилган ишлар режасининг бажарилиш ҳолати таҳлили.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қурилиш-монтаж ташкилотлари хўжалик фаолияти ишининг самарадорлик даражасини ифодаловчи асосий меъзон ишлаб чиқариш қувватининг объектлари, иншоотлар, йўл қурилиши, ва маданий-маиший қурилмаларни ўз вақтида ишга туширилиши ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан таҳлилнинг асосий вазифаси ва таҳлилнинг дастлабки босқичида кўриладиган муҳим кўрсаткичлардан бири қурилиш ташкилотларида пудрат усулда амалга ошириладиган қурилиш ишлари бўйича бажарилишини таҳлил қилишдан иборатдир. Яна шуни ҳам ҳам ҳисобга олиш керакки, таҳлил натижасида объектларни қуриш муддатини давомийлиги, нормадан четга чиқишлари ва унинг сабаблари аниқланиши лозим. Таҳлил ҳар бир объект бўйича амалга оширилиб тез муддат ичида топшириш имкониятларини белгилаб беришдан иборатдир.

Қурилиш-монтаж ташкилоти ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири пудрат усулда бажарилган ишни умумий ҳажмига баҳо бериш (смета қиймати бўйича) зарур бўлади. Қурилиш-монтаж ишлари объектига қуйдагилар киради, технологик босқичлар, ёппасига ёки алоҳида олинган ишлар лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминланиши, молиялаштириш, асбоб-ускуналар ва материаллар билан таъминланиш. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ҳисобга олган ҳолда талаб қилинадиган воситалар, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва айланма маблағларини ҳажми аниқланиши лозим.

Қурилиш-монтаж ишлари режасининг бажарилишини таҳлил қилиш жараёнида ўз кучи билан бош буюртмачи ташкилот томонидан ҳамда жалб қилинган ташкилотлар томонидан бажарилган ишнинг ҳажмига баҳо

берилади. Қурилиш-монтаж ишлари бўйича режанинг бажарилиши ҳисобот давридаги бажарилган смета бўйича қиймати ўтган йилга пудрат ишлар билан таққосланади. Режанинг бажарилиши икки йўналишида олиб борилади:

1. Қурилиш-монтаж ишлари режасининг бажарилиши генпудратчилар томонидан амалга оширилиши.

2. Қурилиш-монтаж ишлари режасининг бажарилишини айрим олинган буюртмачилар томонидан амалга оширилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 15 ноябрда "Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1641-сонли Қарорига асосан 2012-2015 йилларда Фарғона шаҳрининг ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш чора-тадбирларини ўз ичига олган бўлиб, шаҳарни ободонлаштириш масалаларини, йўл қурилишлари ва ижтимоий инфратузилмани тубдан ривожлантириш ҳамда мазкур ишларни амалга оширишнинг молиявий таъминотини ўзида мужассамлаштиради.

Мазкур қарор асосида дастур қабул қилинган. Биринчидан, Президент қарорининг 1-иловасига кўра, Фарғона шаҳрида 2012-2015 йилларда йўл-транспорт тизими инфратузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури қуйидаги йўналишдаги ишларни ўз ичига олади.

I. Автомобиль йўлларини тубдан такомиллаштириш.

II. Қурилиш, кўприкларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, Марғилонсой каналини қайта қуриш.

III. Шаҳар аҳолисини автотранспорт хизматини ривожлантириш.

Ушбу дастурни 2012-2015 йилларда амалга оширилиши билан боғлиқ жами харажатлар 172,6 миллиард сўмни ташкил қилади. Уларни молиялаштириш манбалари бўйича таҳлил қилганда Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 105,8 миллиард сўм, Маҳалла фонди ҳисобидан 3

миллиард сўм, маҳаллий бюджетлар ҳисобидан 55 миллиард сўм ҳамда хусусий маблағлар ҳисобидан 8,8 миллиард сўм деб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг 2-иловасига кўра, Фарғона шаҳрини 2012-2015 йилларда архитектуравий қиёфасини янгилаш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури қуйидагилардан иборат:

I. Фарғона шаҳрида янги маъмурий-маданий марказни шакллантириш.

II. Фарғона шаҳрида қурилишнинг янги қонун ва қоидаларига жавоб бермайдиган объектларни бузиш ҳисобига биноларни янгилаш ва янги замонавий яшаш уйлари қуриш.

III. Фарғона шаҳрида ижтимоий соҳани ривожлантириш.

IV. Фарғона шаҳрини бозор инфратузилмасини ривожлантириш.

Дастурнинг ушбу йўналишини амалга оширишга 2012-2015 йилларда 358,6 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Мазкур маблағлар қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

- Ўзбекистон Республикаси бюджети ҳисобидан 43 миллиард сўм;
- Таълим муассасаларини моддий таъминлаш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш Жамғармаси ҳисобидан 8,1 миллиард сўм;
- Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 8,9 миллиард сўм;
- Олий таълим муассасаларини моддий-техник таъминотини ривожлантириш Жамғармаси ҳисобидан 14,7 миллиард сўм;
- Маҳалла фонди ҳисобидан 5,5 миллиард сўм;
- Маҳаллий бюджет ҳисобидан 41,9 миллиард сўм;
- Ижрочи ва тадбиркорлар ҳисобидан 196,3 миллиард сўм;
- Банк кредитлари ҳисобидан 13,8 миллиард сўм;
- Ҳайрия ҳисобидан 26,4 миллиард сўм.

Президент қарорининг 3-иловасига кўра, Фарғона шаҳрини 2012-2015 йилларда муҳандислик ва коммунал инфратузилмасини реконструкция қилиш ва модернизациялаш чора-тадбирлари дастури қуйидагиларни ўз ичига олади. Юқоридагилардан кўришиб турибдики, “Кўприк хўжалигини сақлаш, ишлатиш, таъмирлаш ва фойдаланиш” корхонаси томонидан бир қатор йўл қурилиши ишларини бажариш мумкин бўлади. Корхона томонидан Фарғона вилояти Фарғона шаҳрида Аэропорт кўчасида жойлашган лойиҳа трасаси боши 4P-145 “Фарғона шаҳри йўли” автомобил йўлининг 9,4 км, лойиҳа трасаси охири 4P-145 “Фарғона шаҳри йўли” автомобил йўлининг 12,6 км тўла таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Йўл қурилиши ишларини таҳлил қилиш учун керакли бўладиган маълумотлар шакл №1-КСШ бўлим “Пудрат ишларини амалга оширишда ишлаб чиқаришни қуввати ва ишга туширилиши бўйича йиллик ҳисобот” дан олинади. Бундан ташқари ҳисобга тааллуқли бўлган ва тааллуқли бўлмаган материаллар, тушунтириш маълумотлари, ишлаб чиқариш графиги бошқа расмий ва норасмий ҳужжатлардан фойдаланилади.

“Кўприк хўжалигини сақлаш, ишлатиш, таъмирлаш ва фойдаланиш” корхонаси қурилиш-монтаж ишлари бўйича режанинг бажарилишини таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвал тузилади.

2.1-жадвал.

“Кўприк хўжалигини сақлаш, ишлатиш, таъмирлаш ва фойдаланиш” корхонаси қурилиш ишлари бўйича режанинг бажарилишини таҳлили
Смета қиймати бўйича (минг сўм). (2012 йил)

№ п/п	Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)	Режанинг бажарилиши, %
I.	Пудрат усулида жами бажарилган иш ҳажми	1067660,943	1106995,285	39334,342	104%
	Шу жумладан:				
	1. Давлат режасига асосан марказлаштирилган қўйилмалар ҳисобига капитал	1067660,943	1106995,285	39334,342	104%
	Ундан:				
	а) ген шартнома бўйича	1067660,	1106995,2	39334,	104%

		943	85	342	
	б) тўғри шартнома бўйича	-	-	-	-
	2.Марказлаштирилмаган манба бўйича	67830	76400	-8570	112.6
	3.Тўла таъмирлаш	2730	3810	1080	139.5
II.	Жами бажарилган ишдан амалга оширилди:	67830	76400	-8570	112.6
	а) ўз кучи билан	752448,9 43	759772,28 5	7323,3 42	58.2%
	б) субпудрат ташкилотлари томонидан	315212	347223	32011	41.8

2.1-жадвалдан кўринишича йўл қурилиши ишларини 58.2 % ўз кучи билан бажарилган бўлиб, 41.8% субпудратчилар томонидан амалга оширилган. Йўл қурилиши ишлари дастури режага нисбатан 39334,342 минг сўмга ёки 4 % ошириб бажарилган.

Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Иш ҳажмига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин. Бошқа тармоқлар каби қурилиш-монтаж ишлари ҳажмига таъсир кўрсатувчи омилларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Меҳнат омиллари (қурилиш ташкилотларини ишчи кучи билан таъминланиши ва меҳнат унумдорлиги).
2. Меҳнат қуроллари (қурилишни машина, механизмлар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланиш).
3. Меҳнат предметлари (қурилишни қурилиш материаллари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланиш).

Қурилиш ташкилотларида ҳам саноат ва бошқа тармоқлардаги сингари таҳлилнинг дастлабки босқичида қурилиш ташкилотларини ишчи кучи билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш, иш вақти фондидан фойдаланиш, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари таҳлиliga ўхшаб кетади. Таҳлил учун керакли маълумотлар йиллик ҳисобот 3-Т “Қурилишда меҳнат тўғрисида ҳисобот” шаклида олинади.

Қурилишда муҳим меҳнат кўрсаткичларидан бири бўлиб меҳнат унумдолиги кўрсаткичлари ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар қуйидагилар:

1. Бир ходимга тўғри келадиган ўртача иш унуми.
2. Бир ишчига тўғри келадиган ўртача иш унуми.
3. Бир кунда бир ишчига тўғри келадиган ўртача иш унуми.

2. 2. Корхонада асосий фондлардан фойдаланишнинг таҳлили

Қурилишда ҳам саноат каби асосий фондлар икки гуруҳга бўлинади, яъни ишлаб чиқаришга таълуқли асосий фондлар ишлаб чиқаришга таълуқли бўлмаган асосий фондлар. Ўз навбатида бу асосий фондлар актив ва пассив қисимларга ажратилади.

Асосий фондларнинг актив қисмига машина ва асбоб ускуналар, куч берувчи машиналар ва ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалар, асосий воситаларнинг пассив қисмига иморат ва иншоотлар киради.

Асосий фондларни таҳлил қилишда таҳлилнинг вазифалари қуйидагилардан иборат;

- асосий фондларнинг техник ҳолатига баҳо бериш;
- қурилиш ташкилотларини машина ва механизмлар билан таъминланишини аниқлаш;
- қурилиш – мантаж ишларини механизация даражасини аниқлаш;
- қурувчи машиналар парқини қуввати бўйича фойдаланиш даражасига баҳо бериш;
- асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлиги даражасини аниқлаш ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаб чиқиб имкониятларини белгилаб беришдан иборат.

Тахмин учун керакли маълумотлар шакл №3. асосий фондларнинг харажати тўғрисидаги ҳисобот шакли №1-НТ (қурилиш) “Қурилишни механизациялаш ва қурилиш машиналардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот”, қувати бўйича эса шакл №12 (қурилиш) “Қурилиш машиналарининг таркиби ва мавжудлиги тўғрисидаги ҳисобот” дан олнади.

Асосий фондлардан фойдаланиш даражаси ва уларнинг техник ҳолатини таҳлили шароитида қандай бўлса қурилишда ҳам шу тартибда

олиб борилади. Тахлил қилинаётган қурилиш ташкилотларида асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини аниқлаш учун қуйидаги жадвал тузилади.

2.2-жадвал

**“Кўприк хўжалигини сақлаш, ишлатиш, таъмирлаш ва фойдаланиш”
корхонаси асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик
даражасининг таҳлили.(2012-й.)**

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	хақиқатда	Фарқи (+/-)
1.Йўл қурилиши монтаж ишлари хажми, м.с.	320400	312800	-700
2. Асосий фондларнинг ўртача ишлик қиймати, м.с.	65700	64200	-1500
3.Шу жумладан актив қисми м.с.	59800	59300	-500
4.Ҳар минг сўмлик асосий фондлардан олинган фонд самараси, сўм (1:2)	4876,7	4872,2	-4,5
5.Ҳар минг сўмлик асосий фондларнинг актив қисмидан олинган фондларнинг самарадорлик даражаси (1:3) сўм.	5357,8	5270,8	-83
6.Асосий фондларнинг актив қисмини жами фондлар таркибидаги салмоғи, (3:2) сўм	91.	92,36	+1,36

2.2-жадвалдаги маълумотлардан кўринишича корхонанинг ўз кучи билан бажарилган йўл қурилиш-монтаж ишлари режаси 7600 минг сўмга бажарилган. Корхонанинг иш хажмини камайтиришга иккита омил таъсир кўрсатган:

1. Асосий фондлар қийматини ўзгариши.

$$-1500 \times 4876,7 = -7315 \text{ минг сўм}$$

2.Фонд самарасини ўзгариши: $-4,15 \times 64200 = -285$ минг сўм.

Иккита омилнинг йиғиндиси $-7315 - 285 = -7600$ минг сўм. Таҳлилнинг кейинги босқичида ҳар бир минг сўм асосий фонддан олинган фонд самарасига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланиши лозим. Бизнинг тадқиқот объекти сифатида олинган корхонада режага нисбатан 4,5 сўмга камайган. Бунинг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1.Асосий фондларнинг актив қисмини жами асоси фондлар таркибидаги салмоғини ўзгариши: $1,36 \times 5357,8 : 100 = -72,85$ сўм.

2. Ҳар минг сўм асосий фондлар актив қисмига тўғри келадиган фонд самарасини ўзгариши: $-83 \times 92,36 = 76,8$ сўм

Икки омилнинг йиғиндиси фонд самараси бўйича умумий фарқини беради: $-76,8 + 72,8 = 4$ сўм.

Корхона асосий фондлардан фойдаланишининг самарадорлик даражасига алоҳида эътибор берилиши лозим. Кейинги вақтда фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасига алоҳида эътибор берилиши лозим. Кейинги вақтда фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси пасайиб бормоқда. Бунга асосий сабаб йўл қурилиш ишлари муддатини чўзилиши, капитал қурилмаларни ноқонуний четга жалб қилиниши, етарли даражада меҳнат ресурслари билан таъминланмаслиги, материаллар билан таъминланиши, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва машина паркини юқори даражада эскириши сабаб бўлиши мумкин.

Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси, биринчидан алоҳида олинган машина ва механизмларнинг қувватини ошириш ҳисобига, иккинчидан ишларни интенсив усулда олиб бориш, янги техникани жорий этиш, меҳнатни илғор усуллари ташкил этиш ва қурилиш ишларида механизация даражасини оширишдан иборатдир.

2. 3. Йўл қурилиши ишларида материаллардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини таҳлили

Фарғона вилоятида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан вилоят ҳокимлигининг маълумотларига кўра қуйидаги ишлар босқичма-босқич бажариб келинмоқда.

I. Автомобиль йўллари тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича:
– 3849 пм бордюрлар олиб ташланиб, 47 та дарахтлар кўчирилди, муҳандислик коммуникация тармоқлари босқичма-босқич кўчирилмоқда;

– 1323 пм. йўл бордюлари кўчириб олинди, 1232 та ҳар-хил мевали дарахлар кесилди, 2900 тн йўл минтақасидан чиқиндилар олиб ташланди, 7725 тн йўл пойига қум шағал аралашмаси ташиб келтирилди.

– Таъмирлаш ишлари олиб борилаётган бўлиб, 3567 пм. йўл бордюлари кўчириб олинди, 636 та ҳар-хил мевали дарахлар кесилди, 4700 тн йўл минтақасидан чиқиндилар олиб ташланди, 9340 тн йўл пойига қум шағал аралашмаси ташиб келтирилди.

– Таъмирлаш ишлари бошланган бўлиб, 290 пм. йўл бордюлари кўчириб олинди, 17750 тн йўл минтақасидан чиқиндилар олиб ташланди, 14556 тн йўл пойига қум шағал аралашмаси ташиб келтирилди.

– Таъмирлаш ишлари бошланган бўлиб, 981 пм. йўл бордюлари кўчириб олинди, 29160 тн йўл минтақасидан чиқиндилар олиб ташланди, 39330 тн йўл пойига қум шағал аралашмаси ташиб келтирилди. Йўл минтақасига тушган 17 та нотурар ва 33 та турар жой бинолари бузилди.

Таъмирлаш ишлари бошланган бўлиб, 400 пм. йўл бордюлари кўчириб олинди, 5630 тн йўл минтақасидан чиқиндилар олиб ташланди, 1233 тн йўл пойига қум шағал аралашмаси ташиб келтирилди. Йўл минтақасига тушган 2 та нотурар бинолари бузилди ва 198 та дарахлар кўчирилди.

Юқоридаги ишлардан кўриниб турибдики, қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш дастурини муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан моддий-техника таъминотиغا, бинобарин материалларнинг мавжудлигига ва улардан фойдаланишига боғлиқ.

Йўл қурилиш ишларида материаллардан фойдаланишни ифодоловчи умумий кўрсаткич материал сифими ҳисобланади. Бу кўрсаткич қурилиш ишлари ўз кучи билан бажарилганда материал харажатларини йўл қурилиш ишлари ҳажмига бўлиш йўли билан аниқланади.

Материал харажатларидан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини аниқлаганда бу кўрсаткич материал сифимини тескариси ҳисобланиб, ўз кучи билан бажарилган қурилиш- монтаж ишлари ҳажмини материал харажатларига бўлиш йўли билан аниқланади.

Қурилиш корхоналарида материаллардан фойдаланишни ва сарфланиши ташкил қилишда шакл №М-29 “Қурилишда материалларни сарфлаш тўғрисида ҳисобот”; шакл №2-С “Қурилиш- монтаж ишлари таннархи бўйича ҳисобот”; шакл №1 “Молиявий натижалар бўйича ҳисобот” лардан фойдаланилади.

Таҳлил қилинаётган қурилиш ташкилотларида материаллардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини аниқлаш учун қуйидаги жадвал тузилади.

2.3-жадвал

“Кўприк хўжалигини сақлаш, ишлатиш, таъмирлаш ва фойдаланиш” корхонаси а материаллардан фойдаланишининг самарадорлик даражасини таҳлили(2012-й.)

Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи, (+,-)
1.Ўз кучи билан бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми, минг сўм	320400	312800	-7600
2.Материал харажатлари, минг сўм	220405	210500	-9905
3.Материал сиғими (2:1)	0.69	0.67	-02
4. Бир сўмлик материал харажатларига тўғри келадиган йўл қурилиши ишлари. (материал қайтими)(1:2)	1.4536	1.4859	+0.0323

2.3-жадвалдан кўринишича, корхонада ўз кучи билан бажарилган йшл қурилиши ишлари ҳисоботи йилида режадагига нисбатан 7600 минг сўмга камайган, бу эса 2.3 % ташкил этади. Иш ҳажмини пасайишига икки омил таъсир кўрсатган:

1.Материал харажатлари ўзгариши (экстенсив омил):

$$-9905 \times 1/4536 = 14397 \text{ минг сўм.}$$

2. Материал қайтимининг ўзгариши (интенсив омил):

$$+0.0323 \times 110500 = +6797 \text{ минг сўм}$$

Иккала омилнинг йиғиндиси

$$-14397 + 6797 = -7600 \text{ минг сўм.}$$

Шундай қилиб, материал харажатларини камайишига йўл қурилиши ишлари режага нисбатан камайиши ижобий таъсир кўрсатди.

Материаллардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини ўсиши натижасида иш ҳажми 6797 минг сўмга кўпайди. Бу кўрсаткич шундан далолат берадики, йўл қурилиши ишлари ҳажми интенсив омил ҳисобига бажарилган, яъни материал харажатларидан самарали фойдаланиш ҳисобига бўлган. Бир сўмлик бажарилган иш ҳажмига сарфланган харажат режага нисбатан 2 тийинга кам сарфланган, натижада йўл қурилиши ишлари бўйича тежалган харажат 6256минг сўмни ташкил этади (0.02x312800).

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида қурилиш ташкилотларининг асосий вазифаси қайий тежамкорликка эришиш ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтиришдан иборатдир.

Қурилиш-монтаж ишлари таннархи деб қурилиш ишлари ва объектларини тугаллаб топшириш билан боғлиқ бўлган харажатларни пулда ифодаланишидир.

Маҳсулот таннархи қурилиш-монтаж ишларини сифат кўрсаткичи бўлиб, унинг ўзгариши бир қанча омилларга боғлиқ: иш вақтидан самарали фойдаланиш, қурилиш материалларидан самарали фойдаланиш, қурилиш-монтаж ишлари механизация даражаси ва бошқалар. Қурилиш-монтаж ишлари ҳисобот таннархида шакл №2С қуйидаги кўрсаткичлар келтирилган:

- смета қиймати бўйича;
- режа таннархи бўйича;
- ҳақиқий таннарх бўйича.

Қурилиш маҳсулотларини баҳо смета қиймати бўйича аниқланади. Қурилиш-монтаж ишлари смета қиймати қуйидагиларни ўз ичига олад: ишчи чертежлари учун ҳисобланган, ишлаб чиқариш харажатлари учун ўрнатилган смета нормаси ва баҳо ва режа бўйича жамғарма суммаси. Смета қиймати қурилиш-монтаж ишлари ҳажми бўйича бажарилган ишлар учун ҳисоб-китобларни олиб боради ва шартнома баҳосини аниқлайди. Смета қийматини аниқлашда қурилиш ташкилотлари айрим ҳолларда иш шароитини ҳисобга олган ҳолда режа таннархи дейилади. Режа таннархи смета қийматидан кам

бўлади. Яъни режадаги жамғарма суммасига ва маҳсулот таннархини тежалган суммасига.

Ҳақиқий таннарх ҳисобот даврдаги қурилиш-монтаж ишлари бўйича сарфланган ҳамма харажатларни ўз ичига олади.

Таҳлилнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат: таннарх бўйича режанинг бажарилишини аниқлаш, бажарилган ишлар таннархини ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таннархни пасайтириш учун ички имкониятларни қидирб топиш, келгусида улардан унумли фойдаланиш. Таҳлил қилинаётган қурилиш ташкилотларида қурилиш-монтаж ишлари таннархига баҳо бериш учун қуйидаги жадвал тузилади.

2.4-жадвал.

“Кўприк хўжалигини сақлаш, ишлатиш, таъмирлаш ва фойдаланиш”

корхонаси йўл қурилиш ишлари таннархини таҳлили(2012-й)

Иш турлари	Смета қиймати бўйича	Режа таннархи	Ҳақиқий таннархи	Компенсация ва сметалар бўйича харажатларни копланиши
1. Йўл қурилиш ишлари, минг сўм	708660	706980	707406	1200
2. Монтаж қилиш, минг сўм	96700	98200	98200	-
4. Тўла таъмирлаш (йўл қурилиши), минг сўм	12000	110000	105000	5000

2.4-жадвалдаги маълумотлардан кўринишича йўл қурилиш ишлари бўйича ҳақиқий таннарх режадаги таннархдан 426 минг сўмга ошган (707406-706980). Бунинг кўпайиши йўл қурилиши ишларини ўсиши билан боғлиқ бўлган.

Фарғона вилояти йўл қурилиш тизимини ривожлантиришнинг яқин, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш билан боғлиқ масалалар йўл қурилиши концепциясининг асосини ташкил этиши лозим. Мазкур ривожлантириш стратегияси йўл қурилиши тизимини модернизациялашни назарда тутиб, унинг натижасида иқтисодиёт тармоқларининг ички ва ташқи алоқалари кенгайиши ва аҳолининг барча транспорт турларидан фойдаланиш имкониятининг ошиши ҳамда Ўзбекистон ҳудудидаги йўл қурилиши

коммуникациялари ёрдамида бошқа мамлакатлар учун транзит ташувларини янада кенгайтириш истиқболи кучайди.

Маълумки, транспорт-коммунал инфратузилмаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Шу сабабли, транспорт ва коммунал инфратузилмани узлуксиз равишда ўзгартириб бориш мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Бу борада қатор дастурлар қабул қилиниб, улар ички ва ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштириб келинмоқда.

Фарғона вилоятида йўл қурилиши корхонаси фаолияти барқарорлигини таъминлаш пировардида, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаб, йўл қурилиши тизимини модернизациялаш кўйидагиларга эришиш имкониятини беради:

- Товар-моддий бойликларнинг ҳаракатини тезлаштириш ва иқтисодиёт тармоқлари харажатларини камайтириш имкониятини берувчи замонавий ва самарали инфратузилма яратилади;

- Аҳоли, тадбиркорликлар учун транспорт хизматлари мажмуидан фойдаланиш имконияти кенгайди;

- Фарғона вилояти йўл қурилиш тизими рақобатбардошлигининг ортиши натижасида мамлакат транзит салоҳиятидан унумли фойдаланиш истиқболи пайдо бўлади;

- Йўл қурилиш тизимининг кенг қамровли ҳавфсизлиги ва барқарорлиги таъминланади.

Вилоят йўл қурилиши тизими хизматлар экспорти ҳисобига халқаро иқтисодий алоқалар савдо балансининг ижобий бўлишини таъминлайди, халқаро йўлаклар ўтган минтақаларда иқтисодий муносабатлар фаоллиги ошади, ижтимоий-маънавий ўзгаришларга олиб келувчи фаровонлик омиллар мустаҳкамланади.

3. ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА АУДИТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАҲЛИЛ ИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Қурилиш материаллари аудитини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Қурилиш ташкилотларида капитал қўйилмаларнинг аудит қилинаётганда харажат турлари қуйидагилар бўйича гуруҳланади;

- металл конструкциялар монтажи;
- ускуналарни монтажи;
- монтаж талаб қилмайдиган ускуналарни харид қилиш, асбоб ва инвентар, монтаж талаб қиладиган, аммо доимий заҳирага мўлжалланган ускуналар;

- бошқа капитал иш ва харажатлар асосий воситалар қийматини оширмайдиган харажатлар.

Қурилиш-монтаж ишлари пудрат усулида бажарилганида, пудрат ташкилотлари қурилиш – монтаж ишларини шартнома баҳоси бўйича ёки қурилиш қийматини аниқлаш асос бўладиган баҳода бажарилганда қурувчи ҳисобида банк тўлашга қабул қилган пудрат ташкилотлари счётига 0800 - «Капитал қўйилмалар» счётида қуйидаги тартибда акс эттирилади: ҳар ойда буюртмачи ва пудратчи имзолаган бажарилган ишлар қиймати ва технологик босқич ва ишлар мажмуи бўйича харажатлар тўғрисидаги маълумотнома асосида (3-шакл), 3-шакл маълумотлари белгиланган тартибда расмийлаштирилиш лозим, , яъни мансабдор шахслар буюртмачи ва бош пудратчи вакиллари томонидан имзоланган ташкилот муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Аудиторлик ташкилоти ёки аудитор ушбу харажатлар тўғри ҳисобланганлигини банк ҳужжатлари тўғри юритилганлигини ва (3 шакл) «Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» тўғри тузилганлигини текшириши керак. Асосан фондларни ишга тушириш режасини бажарилиши ва капитал қўйилмалар лимитларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботда ҳисобот йилида пудрат

ташкilotлари бажарган қурилиш – монтаж ишларининг қурувчи тўлик ҳажмда акс эттиради. Демак, ускуналар монтажи бўйича бажарилган ишларнинг смета қиймати маълумотномага (3 шакл) монтажи тўлик тугалланган ишлар тўлик ҳажмда бажарилган ускуна ёки унинг қисмлари бўйича киритилади. Маълумотномада бу тартибда ускуна ёки унинг қисмининг ҳар бир тури бўйича маълумотлар киритилади. Пудрат ташкilotлари банк томонидан тўлашга қабул қилинган ёки тўланган счётлари бўйича қурилиш монтаж ишлари қийматининг оширилганлиги, айниқса, буюртмачи қилинган капитал қўйилмаларни оширилган сўммага камайтиради ва шунга кўра, фойдаланилган маблағ билан таъминлаш ёки пудрат ташкilotининг бажарилган ишлар счёти бўйича қарзи камайтирилади.

Хўжалик усулида бажарилган қурилиш монтаж ишлари бўйича харажатлар ҳам 0800 «Капитал қўйилмалар» ни ҳисобга олувчи счётларида қурилиш – монтаж ишлари таннархини режалаштириш ва ҳисобга олиш бўйича асосий қоидаларда белгиланган тартибда ҳисобга олинади. Бунда 0800 «Капитал қўйилмалар»ни ҳисобга олувчи счётларида қурувчи томонидан қилинадиган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади. Аудитор мазкур харажатлар тўғри ҳисобга олинганлигини ва 0800 счётлари ҳамда бошқа счётлар тўғри корреспонденцияланганлигини ва 11 ва 16 журнал ордерлари ҳамда 18- ведомост маълумотлари тўғри акс эттирилганлигини текшириши керак. Саноат корхоналарида 18-ведомост маълумотлари асосида ишлаб чиқариш харажатлари ва ҳисоб – китобларни (2310, 2920, 6500, 6700 ва 8910 счётлари) ни ҳисобга олиш счётлари кредити бўйича оборотлар якуни 9400 ва 0800 счётлар дебети билан корреспонденцияда, шунингдек, 18- ведомостга варақа – расшифровкаларга кўра, ёзилган сўммалар 10-1 журнал ордерга ўтказилади.

Монтаж талаб қиладиган ва ўрнатишга мўлжалланган мамлакатда ҳамда хорижда ишлаб чиқарилган технологик, энергетик ва ишлаб

чиқариш ускуналари монтажга топширилишига 0710 - «Ўрнатиладиган асбоб – ускуналар» счётида ҳисобга олинади. Уларни келиб тушиши ва кирим қилиниши ҳамда маҳсулот етказиб берувчилар счётларига тўланиши устидан назорат келиб тушган юкларни ҳисобга олиш журналида (М – 1 шакл) юритилади. Буюртмачининг монтаж талаб қиладиган ускунасини комиссия қабул қилади. Бунда ускуналарни қабул қилиш тўғрисидаги М – 24 шакл тузилади, ускуна бухгалтерия ҳисобида кирим қилиш учун бошланғич ҳужжат қилинади. Агар олдиндан ўтказилган тафтишда, монтаж қилиш ёки синашда ускунанинг комплект эмаслиги, заводда йул қуйилган брак ёки бошқа нуқсонлар тўғрисида аудитор томонидан алоҳида акт тузилади.

Ушбу харажатлар гуруҳи иқтисодий мазмунига кўра, маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархининг таркибини ташкил этувчи қуйидаги элементларга бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқиндилар қиймати чегирилиб ташланган ҳолда);
2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнат ҳақи харажатлари;
3. Ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғўрта ажратмалари;
4. Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши;
5. Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Шунинг учун аудитор ҳар бир харажат элементи таркибининг «Низом»га мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

«Ишлаб чиқариш моддий харажатлари» элементи таркибига ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этувчи ёки маҳсулотни тайёрлаш (ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш)да зарур таркибий қисм ҳисобланган, четдан сотиб олинган хом-ашё ва материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар, иш ва хизматлар ҳамда Низомда белгиланган бошқа харажатлар киради.

Аудитор қайтариб олинадиган чиқиндилар қиймати ва идиш ҳамда ўраш материаллари қиймати уларни сотиш, фойдаланиш ёки омборга кириш қилиш мумкин бўлган нархда баҳолашиб, маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан чегириб ташланганлигини аниқлаши зарур, шунингдек, мазкур элемент бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати уларни сотиб олиш нархидан, шу жумладан бартер келишувларида, қўшимча нарх (устама)дан, таъминловчи, ташқи иқтисодий ташкилотларга тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан, шу жумладан брокерлик хизматлари билан бирга, божлар ва йиғимлардан, юклаш-тушириш ҳамда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланишини ҳам назарда тутиш зарур.

Булардан ташқари аудитор маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига олиб борилган моддий ресурсларни баҳолашнинг тўғрилигини ҳам текшириши керак. №4-«Товар-моддий захиралар»номли БХМСга мувофиқ ҳар бир хўжалик юритувчи субъект материалларни баҳолаш усулларида (FIFO, AVESCO)бирини танлайди ва **ҳисоб юритиш сиёсатида** акс эттиради.

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнат ҳақи харажатлари. Бу элемент бўйича харажатлар рўйхати «Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом»да батафсил берилган. Маҳсулот(иш, хизмат) лар таннархининг мазкур элементини текширишда аниқланадиган асосий хато - бу **харажатларнинг ишлаб чиқариш йўналиши тамойилига** риоя қилмасликдир. Аудитор иш ҳақи ҳисоблашга доир дастлабки ҳужжатлар (иш вақтини ҳисобга олиш табели, ишбай ишлар учун нарядлар, ҳисоблашув-тўлов ведомостлари)ни текшириш чоғида бошқа фаолият турлари (қурилиш, маданий-маиший ва ш.ў)да банд бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг асосий фаолиятдаги маҳсулот(иш, хизмат)лар таннархига қўшилиш фактларини аниқлаши керак. Бунга 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ва 6720-«Депонентланган меҳнат ҳақи»

счётларининг кредити бўйича маълумотларнинг ишлаб чиқаришга олиб борилган қисмини, йиғма меҳнат ҳақи ведомостининг уни ҳисоблаш қисми бўйича жами кўрсаткичлари билан солиштириш орқали эришилади. Қоидага кўра, йиғма ведомостнинг жами маълумотлари, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга оладиган счётларнинг дебети бўйича маълумотларга караганда кўп бўлиши лозим.

«Ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғурта ажратмалари».

Бу элементга бюджетдан ташқари мажбурий фондларга қонунчилик билан белгиланган меъёрларга мувофиқ ажратиладиган тўловлар киради. Масалан, меҳнат ҳақи фондидан суғурта фондига мажбурий ажратмалар, нодавлат пенсия жамғармаларига, ихтиёрий тиббий суғурта ва суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар, бандлик хизматига ажратмалар шулар жумласидандир. Бундай ажратмаларнинг маҳсулот(иш, хизмат) лар таннарига олиб борилишини текширишда бюджетдан ташқари фондларга тўланадиган бадалларни ҳисоблаб чиқариш манбаларининг меҳнат ҳақи фондининг ўзини ҳисоблаб чиқариш манбасига бевосита боғлиқ эканлигига эътибор бериш зарур.

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши. Ушбу элемент бўйича харажатлар таркибига асосий ишлаб чиқариш воситаларининг, шу жумладан молиявий лизинг асосида олинганларни ҳам қўшган ҳолда дастлабки (тиклаш) қийматиغا нисбатан белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрлар, жадаллаштирилган амортизацияни ҳам қўшиб, ҳисобланган амортизация ажратмалари (ҳисобланган эскириш) сўммалари киради.

Таъкидлаш жоизки, №5 -«Асосий воситалар» номли БҲМСга мувофиқ асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг қуйидаги усуллари тавсия қилинади:

Бир текис (тўғри чизиқли) усул;

Бажарилган ишлар ҳажмига мўтаносиб усул(ишлаб чиқариш усули);

Асосий воситалар фойдали хизмат қилиш муддати йиллар сонининг йиғиндиси бўйича ҳисобдан ўчириш усули (кумулятив усул);

Камайиб борувчи қолдиқ усули.

Аудитор корхонада ушбу усуллардан биттаси танлаб олиниб, ҳисоб юритиш сиёсати тўғрисидаги буйруқ билан расмийлаштирилганлигини аниқлаши лозим, шунингдек, танланган усулнинг ҳисобот йили давомида ўзгармаганлигига, агар ўзгарган бўлса сабабини ва бу ҳақда ҳисоб юритиш сиёсати тўғрисидаги буйруққа ўзгартиш киритилганлигига эътибор бериши керак. Асосий воситалар объектларининг фойдали хизмат қилиш муддатлари уларни балансга қабул қилиш пайтида аниқланади. Амортизация ҳисоблаш асосий воситалар объектларининг бутун фойдали хизмат қилиш муддати давомида тўхтатилмайди. Фақат корхона раҳбарининг қарорига мувофиқ қайта жиҳозлаш (реконструкция) ва замонавийлаштириш(модернизация) учун ўтказилган ҳамда консервацияга қўйилган асосий воситалар бундан мус тасно.

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар рўйхати «Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом»да батафсил келтирилган. Жумладан, ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат кўрсатиш харажатлари; ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар, ёнилғи, энергия, дастгоҳлар, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ҳамда буюмлари билан таъминлаш харажатлари; асосий ишлаб чиқариш воситаларини ишчи ҳолатида сақлаш харажатлари; асосий ишлаб чиқариш воситаларини хўжалик усули билан барча турдаги (жорий, ўрта, капитал) таъмирлашлар ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли моддалари бўйича маҳсулот(иш, хизмат)лар таннархига киритилади.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда айрим тармоқлар хўжалик юритувчи субъектлари Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг руҳсати билан капитал таъмирлаш ишларини бажариш учун захира(манба) яратишлари мумкин. Ушбу захирани яратиш учун қилинган ажратмалар ҳам мазкур элемент таркибида акс эттирилади ва кўзда тутилаётган харажатлар қиймати

хамда ҳар бир асосий восита объектини капитал таъмирлашнинг даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Заҳира учун ажратмалар меъёри ҳар ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилиб, зарурат бўлганда янги молия йили учун ўзгартирилиши (кўпайтирилиши ёки камайтирилиши) мумкин. Агар капитал таъмирлаш учун яратилган заҳира маблағларининг сўммаси мазкур объектни таъмирлаш учун қилинган ҳақиқий харажатлар сўммасидан қандайча бўлса, ошиб кетган сўмма бўйича тузатиш киритилиши керак; агарда ҳақиқий харажатлар заҳирадагидан ошиб кетса, у ҳолда ошиб кетган сўмма «Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади.

Ёнғиндан сақлаш ва кўриқлашни ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг техникадан фойдаланиш қоидаларида кўрсатилган бошқа махсус талабларни таъминлаш, улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари ҳам текширилади.

Идорадан ташқари кўриқлаш харажатларини, бундай кўриқлаш талаб қилинадиган мазкур ишлаб чиқаришга махсус талаблар мавжуд бўлгандагина, маҳсулот(иш, хизмат)лар таннархига киритиш мумкин.

«Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятига тааллуқли жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар ҳам маҳсулот(иш, хизмат)лар таннархига киритилади. Ижара тўловларини маҳсулот(иш, хизмат)лар таннархига киритиш бўйича Низомда ҳеч қандай чеклашлар кўзда тутилмаган. Хусусан, жорий тартибда ижарага олинган асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини ҳисобдан ўчириш кўплаб мунозарали масалаларни юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 548-моддасида белгиланган, ижарага олинган асосий воситаларни сақлаш бўйича умумий қоидаларга мувофиқ агарда қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи мол-мулкни яхши ҳолда сақлаши, ижарага олинган мулк-мулкни ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва сақлаш бўйича бошқа харажатларни қилиши лозим. Ўз навбатида, агар қонун

хужжатлари ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни ўз ҳисобидан таъмирлаши шарт (547-модда). Шундай қилиб, шартномада таъмирлаш ишлари кўрсатилмаган бўлса, ЎзРФК 547 ва 548 моддаларига мувофиқ иш тутилади.

Аудит мақсадида кўп ҳолларда таҳлил ўтказилади, заруратга қараб ижара шартномалари юридик экспертизадан ўтказилади. Аудитор текширув чоғида ижарага олинган бинони таъмирлаш харажатларининг таннархга олиб борилиши билан боғлиқ муомалани аниқлаган. Аммо шартномада барча турдаги мол-мулкларни ижарага берувчи томон таъмирлаши кўрсатилган. Демак, ижарага олувчи бинони таъмирлашга доир харажатларни таннархга асосиз киритган. Агар шартномада бундай ҳолат кўрсатилмаганда эди, унда корхона ЎзРФК нинг 610-моддасига мувофиқ таъмирлаш харажатларини ўз ҳисобидан амалга ошириб, маҳсулот(иш, хизмат)лар таннархига киритгани асосли ҳисобланар эди.

Аудиторлик далиллари бу сифатининг бир неча жиҳатлари бор:

а) ҳар бир аудиторлик далили ёки текширилаётган даврга бевосита тааллуқли бўлиши, ё иқтисодий субъектнинг унинг баланси вақтидан кейинги (лекин аудиторлик хулосаси чиқарилган пайтдан олдинги) хўжалик фаолиятидаги муайян муҳим воқеаларга тааллуқли бўлиши лозим;

б) аудит натижалари юзасидан иқтисодий субъект маъмурияти молиявий ҳисоботда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг аудиторлар тасдиқлаган сўнгги вариантини янада ишончли қилиш учун ҳисоб ёзувларига тегишли ўзгартиришлар киритиши лозим;

в) агар аудиторлик хулосаси молиявий ҳисобот топширилгандан сўнг солиқ инспекциясига тақдим этилган бўлса ва аудитор муҳим нуқсонларни аниқлаган бўлса, аудиторлик хулосасига алоҳида илова зарур бўлади. Иловада (аудиторлик хулосаси матнида илова борлиги кўрсатилиши шарт) жорий даврда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун уларнинг рўйхати келтирилади.

Ўринлилик. Аудиторлик далиллари текширилаётган хўжалик операцияларининг белгиларига қатъий боғлиқ бўлиши ва уларни текшириш мақсадларига мос бўлиши керак. Турли мақсадлар текширишнинг маълум бир режа асосида ўтказилишини тақозо этади. Бошланғич ҳужжатлардан ҳисоб регистрларига ўтказишда юқорида белгиланган мавжудлик ёки вужудга келиши, ҳисоб регистрларидан бош дафтарга ўтказишда эса ҳисобнинг тугалланганлиги текширилади.

Етарлилик. Аудитнинг стандартларида бундай кўрсатилади: аудиторлик баҳолари учун зарур ахборот миқдори қатъий белгиланмайди, аудитор бу миқдорни ўзи мустақил ҳал қилишга мажбур. Чунончи, танлаб текшириш усулини қўллар экан, аудитор ҳисоботдаги муҳим ноаниқликларни аниқлаб, уларни тугатиш учун барча зарур чораларни кўрганига амин бўлиши керак. Далиллар бўйича ҳам, умуман аудит бўйича ҳам (2-иловага қаралсин) харажатлар ва натижалар нисбатига қараб, оқилона етарлилик тамойилига амал қилиниши зарур.

Аудиторлик далилларининг санаб ўтилган сифатлари жуда муҳим, аммо турли далил-исботлар турлича ишончли ва ҳатто ҳуқуқийликка эга бўлиши мумкин, чунки бу далиллар аудитор турли манбаларга мурожаат қилган пайтда пайдо бўлади. Ахборот манбалари орасидан қуйидагиларни кўрсатса бўлади:

а) тасдиқлаш учун тақдим этилган молиявий ҳисобот, балансга иловалар ва тушунтириш хати билан бирга;

б) иқтисодий субъект ҳисоб тизимининг ўзи, жумладан, унинг бошланғич ҳужжатлари бухгалтерия ҳисоби регистрлари, молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш натижалари;

в) учинчи шахслардан олинган бошланғич ҳужжатларнинг нусхалари, текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ходимлари ва маъмуриятининг ёки учинчи шахсларнинг ишга дахли оғзаки ёки ёзма тушунтиришлари;

г) моддий қийматликларни инвентаризация қилиш натижалари ва доимий назоратга оид бошқа материалларни, шунга қўшимча равишда саралаб текшириш ёки энг муҳим активларни кўздан кечириш маълумотлари.

Аудитор далолат бериш вазифасини бажарар экан, маъмуриятдан ва учинчи шахслардан, яъни турли манбалардан олинган оғзаки ёки ёзма ахборотни бир-бирига қиёслайди, солиштиради. Шу муносабат билан манбаларнинг сифатини, жумладан, аудиторнинг бевосита шахсий билимларини ҳам фарқлайдилар. Аудиторнинг шахсий билимлари. Аудиторнинг шахсий кузатишларидан, у амалга оширган таҳлилий тадбирлардан келиб чиқади.

Чунончи, агар аудитор мижоз савдо фаолиятида олган фойда миқдорини риализация қилинган маҳсулот таннархига тақсимлаб натижа илгари 30% га яқин бўлгани ҳолда текширилган ҳисобот йилида фақат 0.3%ни ташкил этганини аниқласа, у ҳолда аудиторда ҳисобот йили бухгалтерия ҳисоботида муайян ўзгаришлар мавжуд, деган хулосага келади.

3.2. Қурилиш ташкилотлари фаолияти рақобатдошлигини баҳолаш ва унинг таҳлилинини такомиллаштириш йўналишлари

Бозор муносабатлари шароитида рақобатни баҳолаш ва таҳлили қилиш – унинг турлари ва шаклларини аниқлашни тақозо қилади. Бироқ, шунини таъкидлаш лозимки рақобат ва рақобатбардошлик масалалари ўрганилганда, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиққан ҳолларда, умуман олганда, таҳлил жараёнида ҳам ушбу тушунчаларни назарий асос қилиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Қурилиш ишлари билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини таҳлил қилишда муҳим босқичларидан бири уларнинг рақобатдошлигига таъсир этувчи ҳар бир категорияни тегишли кўрсаткичларда ифодалаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, қурилиш билан шуғулланувчи субъектлар рақобатдошлигини ифодалаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мумкин.

1. Корхона маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлардаги улуши (КМБУ);
2. Бозордаги энг кучли рақобатчи корхона маҳсулотининг улушига (ЭКМУ) нисбатан ушбу корхона маҳсулотининг улуши (КМУ);
3. Рақобатдаги маҳсулотни сотиш ҳажмининг ўсиш сурати (РМЎС)
4. Рақобатдаги маҳсулотни баҳосининг бозордаги шундай маҳсулот баҳосига нисбатан коефисентидаги миқдори (КБАХ);
5. Корхона маҳсулотининг сертификатлаш даражаси (КСЭР)
6. Корхонада маҳсулотни реклама қилишдан олинган фойданинг реклама харажатларига нисбати (КРЭК)
7. Корхонанинг рақобатбардош товарларнинг рентабеллик даражаси (РРБ)
8. Қурилиш ташкилотларида умумий рентабеллик даражаси (Р)
9. Корхона балансининг жорий ликвидлик даражаси (ЛЖ)
10. Корхона маҳсулоти рақобатдошлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич (МРУК)

Аmmo шуни таъкидлаш керакки, қурилиш ташкилотларида ўзаро рақобат, уларнинг тендерга қатнашиш жараёнидаёқ содир бўлади. Бу ушбу соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан далолат беради. Шу туфайли мазкур соҳада рақобатдошликни 2-босқичда аниқлаш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- Қурилиш билан шуғулланувчи субъектларнинг тендерга иштирок этган вақтдаги рақобатбардошлик;
- Қурилиш билан шуғулланувчи субъектларнинг фаолияти давомида баҳоланадиган рақобатбардошлик.

Олиб борилган тадқиқотлар бўйича биринчи йўналиш бўйича қурилиш билан шуғулланувчи субъектларнинг тендерга иштирок этган вақтидаги рақобатдошлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг номи, аниқлаш йўллари, мазмуни қуйидаги жадвалда келтирилган (3.1- жадвал)

Иккинчи йўналиш бўйича қурилиш билан шуғулланувчи субъектларнинг фаолияти давомида баҳоланадиган рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Бундай кўрсаткичлар тизимига биз қуйидагиларни киритишни мақсадга мувофиқ деб топдик (3.2-жадвал).

Қуйида келтирилган кўрсаткичлар тизими орқали қурилиш корхоналарнинг рақобатбардошлигини тўлиқ қамраб олади. Аммо у қурилиш ташкилотларида бошқарувда қўлланишига бироз ноқулайлик туғдириши мумкин.

3.1-жадвал

Қурилиш билан шуғулланувчи субъектларнинг тендерга иштирок этган вақтидаги рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичларни ҳисоблаш йўллари	Изоҳ
1.	Корхоналарнинг иш фаолияти даврийлиги коэффиценти	Корхонанинг фаолият кўрсатган даврининг, уни ташкил этилган даврига нисбати тарзида аниқланади	Ушбу кўрсаткич ҳисоблашда корхонанинг қурилиш ишлари билан шуғулланган даври йилларда ҳисобланади ва ушбу кўрсаткич асосида корхонанинг қанчадан буён қурилиш ишлари билан шуғулланиши кўрсатилади.
2.	Корхона қурилиш ишлари ҳажми коэффиценти	Бажарилган қурилиш ишлари ҳажмини, йил давомидаги бажарган барча ишларга нисбати сифати сифатида аниқланади.	Ушбу кўрсаткич корхонанинг қурилиш ишларига ихтисослашганлик даражасини ифодалайди
3.	Қурилиш техникалари билан таъминланганлик коэффиценти	Корхона мавжуд қурилиш ишлари техника воситалари сонини қурилиш ишлари бажариш учун зарур бўлган техника воситалари сонига нисбати сифатида аниқланади	Ушбу коэффицент корхонанинг қурилиш ишларини техника воситалари ёрдамида бажариш имкониятини ифодалайди.
4.	Қурилиш ишлари ҳажмини ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти	Корхона ўз маблағларини қурилиш ишлари ҳажмига нисбати сифатида аниқланади	Ушбу кўрсаткич корхоналарнинг ўз маблағлари билан тендер объекти баҳосини неча фоизини ташкил этишини ифодалайди.
5.	Қурилиш ишлари ҳажмини мустақил бажариш	Корхона ўз кучи билан бажарилган ишларнинг ҳажмига нисбати сифатида	Ушбу коэффицент корхонанинг ўз кучи билан қанча қурилиш ишларини бажариш имкониятини кўрсатади

	коэффициенти	аниқланади	
6.	Курилиш ишларини бажаришнинг мобиллилик коэффициенти	Бажарилган курилиш ишлар ҳажмини уни бажариш учун кетган кунларга нисбати сифатида аниқланади	Коэффициент корхонанинг курилиш ишларини бажариш учун қандай имкониятга эга эканлигини кўрсатади.
7.	Курилиш ишларини ҳажмини бўш ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	Корхона ўз маблағлари бўш миқдорини курилиш ишлари ҳажмига нисбати сифатида аниқланади	Кўрсаткич корхонанинг курилиш ишларини бажариш учун ўз маблағларини қанча қисмини мазкур объектига сарфлаш имконияти мавжудлигини кўрсатади.
8	Корхона молиявий мустақиллиги коэффициенти	Корхона ўз маблағларининг жами маблағларга нисбати сифатида аниқланади.	Ушбу коэффициент корхонанинг молиявий жиҳатдан четдан жалб қилинган маблағларга қай даражада қарам эканлигини кўрсатади.

Чунки бу кўрсаткич бўйича битта корхона яхши ўринга эга бўлса, иккинчи кўрсаткич бўйича бошқа корхона яхши ўринни эгаллаган бўлиши лозим. Худди шундай ҳолат битта корхона мисолида ўрганиладиган бўлса даврлар бўйича ҳам худди шундай ҳолатга дуч келишимиз мумкин. Шу туфайли адабиётларда кўрсаткичлар тизимида комплекс кўрсаткични аниқлаш усуллари бўйича бир қанча ёндашувлар айтилган ва уларнинг айримлари амалиётда ҳам мувофиқиятли қўлланилиб келинмоқда.

3.2-жадвал

Корхона рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари³

№	Кўрсаткичлар номи	Ҳисоблаш йўллари	Изоҳ
1.	Корхона маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлардаги улуши	$K_{\text{МБУ}} = K_{\text{М}} / B_{\text{жм}}$	$K_{\text{М}}$ -корхона маҳсулоти $B_{\text{жм}}$ – бозордаги шу маҳсулотнинг улуши
2.	Бозордаги энг кучли рақобатчи корхонанинг маҳсулотининг улуши ($\text{ЭК}_{\text{му}}$) нисбатан шу корхона маҳсулоти улуши ($K_{\text{му}}$)	$K_{\text{му}} = K_{\text{МБУ}} / \text{ЭК}_{\text{му}}$	
3.	Рақобатдаги маҳсулотни сотиш ҳажмининг ўсиш суръати ($\text{Р}_{\text{му}}$)	$\text{Р}_{\text{му}} = \text{Р}_{\text{хм}} / \text{Р}_{\text{м. ай}}$	$\text{Р}_{\text{хм}}$ – рақобатдаги маҳсулотнинг ҳақиқий миқдори $\text{Р}_{\text{м. ай}}$ – шу маҳсулотнинг асос йилдаги миқдори
4.	Корхона маҳсулоти баҳосининг	$K_{\text{бах}} = K_{\text{мб}} / B_{\text{ш}}$	$K_{\text{мб}}$ – корхона маҳсулотининг

³ Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолиятини таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. -Г.: Фан ва технология, 2007.

	бозордаги шундай маҳсулот баҳосига нисбатан коэффицентдаги миқдори (Кбах)	бм	баҳоси Бшмб – бозордаги шунай маҳсулот баҳоси
5.	Корхона маҳсулотининг сертификатлашганлик даражаси (Ксер)	$K_{сер} = C_m / Ж_m$	См-сертификатланган маҳсулотлар Жм-жами маҳсулотлар
6.	Корхонада маҳсулотини реклама қилишдан олинган фойданинг реклама харажатларига нисбати	$K_{рек} = Р_{екф} / Р_{екх}$	Рекф-реклама қилинган товарлар бўйича олинган фойда Рекх-шу товарни реклама қилиш учун кетган харажатлар
7.	Корхонанинг рақобатбардошлик товарларининг рентабеллик даражаси (Ррб)	$R_{рб} = R_{тф} / R_{т}$	Ртф-рақобатдаги товардан олинган фойда Рт-рақобатдаги товарнинг умумий ҳажми
8.	Корхонада умумий рентабеллика даражаси	$R = C_f / Q$	Сф-соф фойда Q-сотилган маҳсулот ҳажи
9.	Корхонанинг баланс жори диквидлиги даражаси (Лж)	$L_{ж} = Ж_А / Ж_М$	ЖА-жорий активлар ЖМ-жорий мажбуриятлар
10.	Корхона маҳсулоти рақобатбардошлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич (Мрук)	$M_{рук} = M_{тй} / M_{ий}$	Мтй-маҳсулотнинг техник йўналиши бўйича умумлашган кўрсаткичи Мий-маҳсулотнинг иқтисодий йўналиши бўйича умумлашган кўрсаткичи

Ўйлаймизки, юқорида биз таклиф қилаётган тавсиялар амалиётда жорий қилинса, қурилиш билан шуғулланувчи фирмаларнинг фаолияти янада яхшиланади, ишининг сифати ошади ва самарадорлиги янада кўтарилади.

Қурилиш билан шуғулланувчи субъектларда фойдалилик нуқтасини аниқлаш бир канча афзалликларга эга. Чунки ушбу кўрсаткичнинг миқдорини аниқлаб белгиланган ҳажмдаги ишни бажариш учун канча ходим кераклигини, қанча харажат қилиш лозимлигини ва шуларни инобатга ҳолда қайси ҳажм кўрсаткичидан бошлаб қурилиш ташкилоти фойда олиб бориши мумкинлиги, объектни тўлиқ эксплуатацияга топширганда қанча фойда олиш мумкинлигини кўрсатади.

Қурилиш билан шуғулланувчи субъектларда фойдалилик нуқтасини аниқлаш орқали унинг иқтисодий хавфсизлигига ҳам баҳо бериш мумкин. Тадқиқотларимиз кўрсатдики корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги билан

боғлиқ кўрсаткичлар, уларни аниқлаш йўлларини иқтисодий адабиётларда деярли ёритилмаган.

Мазкур ташкилотларда ушбу кўрсаткичлар ўрнига асосан режа кўрсаткичи қўлланилади ва у қурилиш объектининг лойиҳаси асосида тузилган смета бўлиб ҳисобланади. Аммо бу кўрсаткич билан чегараланиб қолиш ташкилот истиқболини рентабелли тарзда амалга ошириш имконини бермайди. Сметани бажариш учун катта куч ва моддий-техникани жалб этиб ишни зарар билан ҳам тугатиш мумкин. Битта объектни қуриш кўп вақтни талаб қилишини инобатга олсак, битта объектни зарар билан топширилгандаёқ мазкур қурилиш ташкилоти банкротлик ҳолатига яқин бўлиб қолиши мумкин. Бундан ташқари ушбу субъектларнинг фаолиятини баҳолашда фақат сметанинг бажарилиши билан чекланадиган бўлса, унинг самарадорлигини таъминлаш масаласи ҳам муаммо бўлиб қолади. Шу туфайли иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сингари қурилиш ташкилотининг фаолиятига баҳо беришда бир қанча иқтисодий кўрсаткичлар билан бирга фойдалилик нуқтаси ва иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ҳозирги пайтда қурилиш ташкилотлари фаолиятни баҳолашда ушбу кўрсаткичлар деярли аниқланмайди. Натижада улардаги мавжуд катта ички имкониятлар ишга солинмасдан қолиб кетмоқда. Боз устига қурилиш билан шуғулланувчи жуда кўп мутахассислар соҳанинг самарадорлиги хусусида кам тушунчага эгалигига ҳам гувоҳ бўлдик. Буларнинг ҳаммаси қурилиш билан шуғулланувчи субъектларда фойдалилик нуқтаси ва уларнинг иқтисодий хавфсизлигини ифодаловчи кўрсаткичларни қўллаш учун, уларнинг назарий ва амалий масалаларини ҳал қилишни тақозо қилади. Бунинг учун биринчи галда фойдалилик нуқтасини аниқлаб олишни тақозо қилади. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (3.3-жадвал).

3.3-жадвал

Қурилиш билан шуғулланувчи субъектларда фойдалилик нуктасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичларнинг манбалари ва аниқланиш йўллари
Ўзгарувчи харажатлар (Хуз)	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи асосида ҳисоб-китоб қилинади
Ўзгармас харажатлар (Хум)	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи асосида ҳисоб-китоб қилинади
Давлат бюджетига туловлар (Бт)	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи асосида ҳисоб-китоб қилинади
Барча харажатни қоплайдиган даромадлар (Дхк)	$Дхк = Хуз + Хум + Бт$
Соф фойда (Фс)	МҲ 2-шаклидан олинади
Фойдани таъминлайдиган даромадлар (ДФ)	$ДФ = Дхк + Фс$; Дхк – харажатларни қоплайдиган Даромадлар
Мувофиқлик коэффициенти (Км)	$Км = Хуз + Бт / Qс$ Qс – сотилган маҳсулот ҳажми.
Даромаднинг «Тенглик нуктаси» (Дтн)	$Дтн = (Хуз \cdot Км) + Хум$
Фойдалилик нуктаси (Фн)	$Фн = Qс / (Хўз + Хўм + Бтўз + Бтўм)$ Бтўз - бюджетга тўловларнинг ўзгарувчи қисми; Бтўм – бюджетга тўловларнинг ўзгармас қисми.

Мазкур 3.3-жадвалда фойдалилик нуктасини аниқлашнинг энг анъанавий йўли кўрсатилган. Агар Фн.си бирга тенг бўлса корхона фойда олиш арафасида, агарда у бирдан катта бўлса мазкур субъект фойда олиб ишлаётган бўлади, агар кам бўлса мазкур корхона зарар билан ишлаётган ҳисобланади. Жуда кўп адабиётларда мазкур кўрсаткич турли талқин қилинган. Бир адабиётда фойдалилик нуктаси дейилса, иккинчисида зарарсизлик чегараси деб номланади, учинчисида эса киритик нукта⁴ деб юритилади.

Ҳозирги пайтда ушбу нуктани иқтисодий хавфсизлик нуктаси ҳам деб атамоқда. Бизнинг фикримизча қурилиш билан шуғулланувчи субъектларда фойдалилик нуктаси, деб аташ мақсадга мувофиқ. Чунки айнан шу нуктадан кейин корхоналар фойда олишни бошлашадилар. Бироқ, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлиги нуктаи назаридан қараладиган бўлса у хавфсизлик нуктаси ҳам деб аталиши мумкин. Зеро, шу нуктадан бошлаб корхоналар иқтисодий хавфсизлик зонасига кира бошлайди. Бу масала қайси

нуқтаи назардан қаралишига қараб турли аталишлари мумкин. Аммо киритик нуқта, зарарсизлик чегараси каби атамалардан кўра фойдалилик нуқтаси, деб аташ мақсадга мувофиқдир. Нима бўлганда ҳам унинг моҳияти ўзгармайди. Ушбу кўрсаткич корхонани самарали бошқаришда муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда ушбу кўрсаткични аниқлашнинг бир қанча усуллари ва ёндошувлари мавжуд. Биз юқорида унинг анъанавий усулини кўрсатдик. Аммо амалиётда қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, фойдалилик нуқтасини турли усул ва йўналишларда аниқлаш мумкин.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Қурилиш ташкилотлари ўз фаолиятини хўжалик ҳисоб-китоби асосида юритувчи, яъни ўзини-ўзи маблағ билан таъминловчи, олган даромадлари эвазига барча харажатларини қопловчи ва пировард натижада фойда олувчи корхоналар сифатида бухгалтерия ҳисобининг муҳим субъектлари бўлиб ҳисобланади. Қурилиш ташкилотлари хўжалик фаолиятининг турлари, уларни ташкил қилувчи жараён ва муомалалар, эришилган молиявий натижалар, шунингдек хўжалик фаолиятини олиб борилишини таъминловчи активлар, бу активларни ташкил топиш манбалари бухгалтерия ҳисоби объектларини ташкил этади.

2. Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари бевосита улар томонидан бажариладиган қурилиш, қурилиш-монтаж, жиҳозларни ўрнатиш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Ушбу ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ олиб борилганлиги ва бунда белгиланган меъёр ва тартибларга амал қилинганлигини назорат қилиш, қурилиш ишларига кетган сарф-харажатларни тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштириш, улар асосида қурилиш жараёнлари синтетик ва аналитик ҳисобини юритиш, тугалланмаган қурилиш ишлари қийматини тўғри аниқлаш, тугалланган ишлар қийматини аниқ баҳолаш ва калькуляция қилиш, уларни ҳисобот даври даромадларига ҳисоблаш тамойилига асосан киритиш, ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошишини таъминлаш бухгалтерия ҳисоби олдида турган энг муҳим вазифалардир.

3. Қурилиш ташкилотлари бошқа хўжалик юритиш субъектлари сингари республикамиз қонун ҳужжатлари асосида ўзларининг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишлари ҳамда унга амал қилишлари лозим. Ушбу ҳисоб сиёсатида қурилиш ташкилоти раҳбарияти томонидан танлаб олинган бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шакли, хўжалик фаолияти кўрсаткичлари, активлар, мажмуриятлар ва хусусий капитал элементларини тан олиш

мезонлари, улар ҳисобини юритишга асос бўлувчи ҳужжатлар тизими, ишчи счётлар режаси, бошланғич ҳужжатлар айланиши, архив иши, товар-моддий бойликларни инвентаризациясини ўтказиш жадвали, ҳисобни юритишга доир бошқа тартиб-қоидалар ва тамойиллар аниқ ифодаланган бўлиши лозим.

4. Қурилиш ташкилотларида капитал қўйилмалар режасининг бажарилишини таҳлил қилишда йиллик молиявий ҳисобот кўрсаткичларидан фойдаланилади. Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари корxonанинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланиб, уларни корxonанинг иқтисодий молиявий ахборотларнинг 90 фоиздан ортиқ маълумотларни олиш имконини эга бўламиз. Қурилиш ташкилотларида молиявий ҳисобот маълумотлари орқали корxона раҳбариятига баҳо бериш, корxonанинг иқтисодий соҳада эришган ютуқлари ва камчиликларини таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин бўлади.

5. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қурилиш-монтаж ташкилотлари хўжалик фаолияти ишининг самарадорлик даражасини ифодаловчи асосий меъзон ишлаб чиқариш кувватининг объектлари, иншоотлар, йўл қурилиши, ва маданий-маиший қурилмаларни ўз вақтида ишга туширилиши ҳисобланади.

Юқоридаги олинган хулосалар асосида олиб борилган таҳлил натижалари бўйича қуйидаги тавсиялар келтирилди:

1. Корxonанинг ўз кучи билан бажарилган йўл қурилиш-монтаж ишлари режаси 7600 минг сўмга бажарилган. Корxonанинг иш хажмини камайтиришга иккита омил таъсир кўрсатган:

1. Асосий фондлар қийматини ўзгариши.

$-1500 \times 4876,7 = -7315$ минг сўм

2. Фонд самарасини ўзгариши: $-4,15 \times 64200 = -285$ минг сўм.

Иккита омилнинг йиғиндиси $-7315 - 285 = -7600$ минг сўм. Таҳлилнинг кейинги босқичида ҳар бир минг сўм асосий фонддан олинган фонд самарасига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланиши лозим. Бизнинг тадқиқот объекти сифатида олинган корxонада режага нисбатан 4,5 сўмга камайган. Бунинг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1. Асосий фондларнинг актив қисмини жами асоси фондлар таркибидаги салмоғини ўзгариши: $1,36 \times 5357,8 : 100 = -72,85$ сўм.

2. Ҳар минг сўм асосий фондлар актив қисмига тўғри келадиган фонд самарасини ўзгариши: $-83 \times 92,36 = 76,8$ сўм

Икки омилнинг йиғиндиси фонд самараси бўйича умумий фарқини беради: $-76,8 + 72,8 = 4$ сўм.

Корхона асосий фондлардан фойдаланишининг самарадорлик даражасига алоҳида эътибор берилиши лозим. Кейинги вақтда фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасига алоҳида эътибор берилиши лозим. Кейинги вақтда фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси пасайиб бормоқда. Бунга асосий сабаб йўл қурилиш ишлари муддатини чўзилиши, капитал қурилмаларни ноқонуний четга жалб қилиниши, етарли даражада меҳнат ресурслари билан таъминланмаслиги, материаллар билан таъминланиши, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва машина паркини юқори даражада эскириши сабаб бўлиши мумкин.

2. Корхонада ўз кучи билан бажарилган йўл қурилиши ишлари ҳисоботи йилида режадагига нисбатан 7600 минг сўмга камайган, бу эса 2.3 % ташкил этади. Иш ҳажмини пасайишига икки омил таъсир кўрсатган:

1. Материал харажатлари ўзгариши (экстенсив омил):

$-9905 \times 1/4536 = 14397$ минг сўм.

2. Материал қайтимининг ўзгариши (интенсив омил):

$+0.0323 \times 110500 = +6797$ минг сўм

Иккала омилнинг йиғиндиси

$-14397 + 6797 = -7600$ минг сўм.

Шундай қилиб, материал харажатларини камайишига йўл қурилиши ишлари режага нисбатан камайиши ижобий таъсир кўрсатди. Материаллардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини ўсиши натижасида иш ҳажми 6797 минг сўмга кўпайди. Бу кўрсаткич шундан далолат берадики, йўл қурилиши ишлари ҳажми интенсив омил ҳисобига

бajarилган, яъни материал харажатларидан самарали фойдаланиш ҳисобига бўлган.

Бир сўмлик бажарилган иш ҳажмига сарфланган харажат режага нисбатан 2 тийинга кам сарфланган, натижада йўл қурилиши ишлари бўйича тежалган харажат 6256минг сўмни ташкил этади (0.02x312800).

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида қурилиш ташкилотларининг асосий вазифаси қайий тежамкорликка эришиш ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтиришдан иборатдир.

3. Олиб борилган тадқиқотлар асосида қурилиш ташкилотларининг рақобатбардошлигини аниқлаш ва таҳлилни такомиллаштириш бўйича 2 йўналишдаги кўрсаткичлар тавсия этилди. Биринчи йўналиш бўйича қурилиш билан шуғулланувчи субъектларнинг тендерга иштирок этган вақтидаги рақобатдошлигини ифодаловчи кўрсаткичлари ҳисобланади. Иккинчи йўналиш бўйича қурилиш билан шуғулланувчи субъектларнинг фаолияти давомида баҳоланадиган рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқилди. Мазкур кўрсаткичлар битта корхона яхши ўринга эга бўлса, иккинчи кўрсаткич бўйича бошқа корхона яхши ўринни эгаллаган бўлиши лозим. Худди шундай ҳолат битта корхона мисолида ўрганиладиган бўлса даврлар бўйича ҳам худди шундай ҳолатга дуч келишимиз мумкин. Шу туфайли адабиётларда кўрсаткичлар тизимида комплекс кўрсаткични аниқлаш усуллари бўйича бир қанча ёндашувлар айтилган ва уларнинг айримлари амалиётда ҳам мувофиқиятли қўлланилиб келинмоқда. юқорида биз таклиф қилаётган тавсиялар амалиётда жорий қилинса, қурилиш билан шуғулланувчи фирмаларнинг фаолияти янада яхшиланади, ишининг сифати ошади ва самарадорлиги янада кўтарилади.

4. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ҳозирги пайтда қурилиш ташкилотлари фаолиятни баҳолашда ушбу кўрсаткичлар деярли аниқланмайди. Натижада улардаги мавжуд катта ички имкониятлар ишга солинмасдан қолиб кетмоқда. Боз устига қурилиш билан шуғулланувчи жуда кўп мутахассислар соҳанинг самарадорлиги хусусида кам тушунчага

эгалитетга ҳам гувоҳ бўлди. Буларнинг ҳаммаси қурилиш билан шуғулланувчи субъектларда фойдалилик нуқтаси ва уларнинг иқтисодий хавфсизлигини ифодаловчи кўрсаткичларни қўллаш учун, уларнинг назарий ва амалий масалаларини ҳал қилишни тақозо қилади. Бунинг учун биринчи гада фойдалилик нуқтасини аниқлаб олишни ҳамда доимий ҳисоб-китоб қилишни тақозо қилади.

5. Ҳозирги пайтда ушбу нуқтани иқтисодий хавфсизлик нуқтаси ҳам деб атамоқда. Бизнинг фикримизча қурилиш билан шуғулланувчи субъектларда фойдалилик нуқтаси, деб аташ мақсадга мувофиқ. Чунки айнан шу нуқтадан кейин корхоналар фойда олишни бошлашадилар. Бироқ, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлиги нуқтаи назаридан қараладиган бўлса у хавфсизлик нуқтаси ҳам деб аталиши мумкин. Зеро, шу нуқтадан бошлаб корхоналар иқтисодий хавфсизлик зонасига кира бошлайди. Бу масала қайси нуқтаи назардан қаралишига қараб турли аталишлари мумкин. Аммо киритик нуқта, зарарсизлик чегараси каби атамалардан кўра фойдалилик нуқтаси, деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: - 2012, Б. 40.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни - Тошкент 1996 й. 30 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. //Солиқлар ва божхона хабарлари, 2000 йил 13 июнь.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.-Т.: «Халқ сўзи», 2000 й, 26 сентябрь.
5. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. ЎзРВМ қарори, 1999.
6. Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 12 май 1995 йил, 12 май.
7. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти. –Т., 1998-1999.
8. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. –Т., 1995.
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.:Ўзбекистон, 2010. –80 б.
11. Каримов И.А. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги табрик сўзи. // Халқ сўзи, 2010 йил 1 сентябрь.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 15 ноябрда "Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1641-сонли Қарори ва унинг иловалари.
13. Аренс А., Лоббек Д.Ж. Аудит. Пер. с англ. под. ред. проф. Я.В. Соколова, - М.: Финансы и статистика, 1995.
14. Барышников Н.П. Организация и методика проведение общего аудита. Москва - 1998.
15. Бернштейн Л.А. Анализ финансовой отчетности. М.; Финансы и статистика, 1996.
16. Власов В.М. Бухгалтерский учет в торговле. -М.; Финансы и статистика, 1996.
17. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-612 б.
18. Вахобов А.Р. Организация и развитие сферы услуг сельскому населению в условиях многоукладной экономики. Автореф. дис. канд. экон. наук. - Т.:НИИРР в АПК, 1997.
19. М.Н. Равшанов Йўл-транспорт салоҳиятидан фойдаланиш. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2009. – №7. – Б. 32-33. Чориев Қ.А.. Бозор инфратузилмасини шакллантириш – иқтисодий ислохотлар чуқурлаштириш гарови// Бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва қишлоқда инфратузилмаларни ривожлантириш: Республика илмий – амалий семинар маърузалар тўплами. – Тошкент: ЎзБИИТИ, 1998.
20. Фарғона вилояти ҳокимлигининг статистик маълумотлари
21. <http://www.fargona.uz> – Фарғона вилояти ҳокимлиги расмий сайти.
22. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали.
23. <http://www.president.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.

24. <http://www.ziyonet.uz> – Ахборот таълим тармоғи.
25. www.press-cervise.uz (Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати)
26. www.uza.uz (Информацион маълумотлар тўплами)
27. www.google.uz (Информацион қидирув тизими)